

ЧУЛПОН

хаёти ва ижодий мероси

Д. КУРОНОВ



ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ

ЧЎЛПОН ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлигининг Республика Таълим
маркази нашрга тавсия этган*

ТОШҚЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1997

Қўлланма муаллифнинг атоқли адиб Чўлпон ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга доир изланишлари самарасидир.

Китобда Чўлпоннинг таржимаи ҳолига доир қизиқарли маълумотлар берилган. Шунингдек, унда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳақида гап юритилади.

Қўлланма умумтаълим мактабларининг адабиёт ўқитувчиларига, талабаларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Жамоатчилик асосида филология фанлари доктори,
профессор НАИМ ҚАРИМОВ таҳрир қилган

Қ $\frac{4700000000-107}{353(04)-97}$ Ахб. хати—97 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1997

ISBN 5—645—03251—9

ЧУЛПОННИНГ ҲАЁТ ИҶОЛИ

Утган асрининг адоғи — 1897 йилда, Андижоннинг Қатортерак маҳалласида, савдогар Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли хонадонидида бир ўғил дунёга келдики, унинг пешонасига XX аср ўзбек шеърлятининг порлоқ юлдузи бўлишдек юксак саодат, норасо тузум талотўпларининг қурбони бўлишдек фожиа хат қилинган эди.

Бўлғуси шоирнинг отаси эл ичиди Сулаймонқул баъзоз ном билан машҳур савдогар, замонасининг анча ўқимшли, тараққийпарвар кишиларидан эди. Ўзбек маърифатчиларининг тўнғич бўғинига мансуб машҳур мураббий ва журналист Мўминжон Муҳаммаджонов у кишининг «эски мадрасани битиргани, ҳар куни газета ўқиб, олам ишларидан хабардор бўлиб тургани»¹ ҳақида маълумот беради.

Сўз санъатига айрича меҳр қўйган, шарқ адабиёти классиклари ижодидан илҳомланган Сулаймонқулнинг ўзи ҳам Расво, Вола тахаллуслари билан шеърлар битган. Ҳозирда у кишининг қизлари — Фоиқа Сулаймонова хонадонидида сақланаётган қўлёзма девондан жой олган ғазаллар, муҳаммаслар, мувашшаҳлар унинг дурустгина табъи назм соҳибни бўлганидан далолат беради. Шу ўринда Сулаймонқул баъзознинг яна бир жиҳатига алоҳида тўхталишни лозим кўраимиз. Замона зайлини яхши тушунган бу киши ўша вақтдаги энг илгор ижтимоий ҳаракат — жадидчиликка хайрихоҳ муносабатда бўлган.

Маълумки, 1914 йилдан бошлаб Қўқонда «Садон Фарғона» номи билан жадид газетаси нашр қилина бошланган эди. «Садон Фарғона»нинг ўша йил 16 апрелида чиққан 4-сонидида газетанинг Андижондаги «буна ва эълон қабул қиладиган вакили Сулаймонқул Юнус ўғли» эканлиги қайд қилинган. Кейинроқ, газетанинг 6-сонидида эса Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли

¹ М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. Тошкент, 1964, 129-бет.

Юнусов ўша вакиллар қаторида саналади. Сулаймонқул баззознинг газета эндигина оёққа тураётган вақтда уни йўлга солишга кўмаклашгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Бу фактга таяниб шуни айтиш мумкинки, ота-ўғил орасида ҳаммаслақлик, ҳамфикрлик асосига қурилган муносабат ҳукм сурган кўринади.

Айрим манбаларда, хусусан, В. Ян ва И. Ғозиевларнинг хотираларида Чўлпон билан отаси орасида жиддий зиддиятлар бўлгани айтилади. Лекин бу фикрлар, бизнингча, шубҳа остига олинishi мумкин. Масалан, ёзувчи В. Ян кундаликларида ёзилишича, Чўлпон унга 1933 йилда шундай ҳикоя қилади: «Ёшлик чоғимда Фарғонада газмол билан савдо қилувчи отам муслмончилиққа ҳаддан зиёд берилган бўлиб, муллар билан дўст тутинган эди. У мени ҳам муллавачча қилиб ўстириш ниятида таҳсил кўриш учун мадрасага берган... Аммо мударрислик қилиш ўрнига мен миллий ўзбек ёзувчиси бўлишга аҳд қилдим, отамдан ҳам, муллалардан ҳам қочиб Тошкентга бордим ва у ерда шеърлар, ҳикоялар ёзиб, журналларга юбордим»¹.

Юқорида айтганимиздек, 1914 йилнинг апрелида Чўлпон отаси билан «Садои Фарғона»нинг Андижондаги вакили бўлиб турган. Айни шу вақтда, 1914 йилнинг апрел ойида, Тошкентда чоп этилган «Садои Туркистон» газетасида унинг «Туркистонли қардошларимизга» номли шеъри ва «Қурбони жаҳолат» ҳикояси эълон қилинган. Демак, Чўлпоннинг олдида миллий ёзувчи бўлиш учун отасидан қочиб Тошкентга бориш зарурати бўлмаган. Хўш, у ҳолда нима учун шоир бу хил маълумотларни бераётир? Шунинг учунки, Чўлпон В. Ян билан суҳбатлашган давр — 30-йилларда вазият анча қалтис эди. Шундай бир шароитда Чўлпон ўзига «замонабоп биография» тўқиган бўлиши эҳтимол. Албатта, Сулаймонқул баззоз билан ўғли орасида муайян келишмовчиликлар бўлганини тўла инкор қилиш нотўғри бўлур эди. Зеро, «оталар ва болалар муаммоси» гоҳ сокин, гоҳ кескин тарзда ҳар қандай оилада ҳам юзага келиши мумкин. Лекин Сулаймонқул баззоз билан унинг ўғли ўртасидаги зиддиятларни бўрттирилган ҳолда тушунишимиз, назаримизда, Чўлпоннинг ижодкор ва шахс сифатида шакллани-

¹ Кўчирма манбаси: Н. Каримов. Чўлпон. Тошкент, «Фан», 1991, 11-бет.

инидаги муҳим омиллардан бирига кўз юмишдек бўлур эди. Сабабки, Сулаймонқул баззоз ўғлининг «замона иқтисосинча» маълумот олишини истади, бунинг учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Чўлпон билан бирмунча вақт бирга ишлашган Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлик берининча, бўлғуси шоир 1913 йилдаёқ «турк тарихига доир асарларни ўқиб чиққан, сўнгра «Турк юрди» ва «Сайра» каби туркчилик нашрларини кузитар экан»¹.

Юқорида тилга олинган М. Муҳаммаджонов эса 1916 йилда Чўлпон билан ilk бор учрашганини хотирлаб: «Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди»²,— деб ёзди. Шунча газета-журналларга, айниқса, чет элда чиқадиган нашрларга муштарий бўлишлик, табиийки, анчагина маблағни талаб қилади. Демак, Сулаймонқул баззоз ёлғиз ўғлининг билимга чанқоқлигини ҳар жиҳатдан қондиришга интилган. Кўрамизки, мабодо Чўлпон маълум мажбурият орқасида В. Янга айтган гапларни чин ҳақиқат деб билсак, у ҳолда қатор мантиқсизликларга дуч келамиз.

Сулаймонқул баззозни ўғлини мударрис қиламан дея қаттиқ турган мутаассиб ота сифатида тасаввур қилиб кўрайлик. Мабодо шундай бўлганида, у ўғлини «куфр» нашрларга обуна қилдиармиди?! Ўғлининг русча муталаа қилишига, рус-тузем мактабида ўқишига йўл қўярмиди?! Йўқ, албатта. Ҳолбуки, Чўлпон нафақат ўзи, балки яқин қариндошларининг ҳам янгича таҳсил олишлари учун қайғурган. М. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, ёш Абдулҳамид «етти яшар синглисини ўз маҳалласининг бир четида очилган янги усул татар қизлар мактабига ўқишга берган эди». Агар Чўлпон оилада ўзини эркин ҳис қилмаганида, айниқса, отаси мутаассиб бўлганида, бунга журъат қила олармиди?! Кўрамизки, Чўлпон 30-йилларда айтган гапларни тамомла инкор қилиш қийин кўринса-да, уларни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

¹ Аҳмад Заки Валиди Тўғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. 1- жилд. Шарқий ва Ғарбий Туркистон. 2- нашри, Истамбул, 1981.

² М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. Тошкент, 1964, 130- бет.

Албатта, ёш Чўлпоннинг дунёқараши кўпроқ ўзи мунтазам кузатган жадид нашрлари таъсирида шаклланиб аён. Бироқ, ўйлашимизча, буни ёшларга хос жўшқин фаолниятга ўчлигу тақлидга мойиллик билангина изоҳлаш камлик қилади. Зеро, бу ўринда давр шиддати шахс тадрижи суръатини беқийёс тезлатиши мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз лозимдир.

Юқорида айтганимиздек, Чўлпон рус тилидаги газета-журналларни ҳам кузатиб борган. Улар воситасида бўлғуси адиб дунёда юз бераётган сир-синоатлардан, Европа халқларининг илм-фан, маданият, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт масалаларида эришган ютуқларидан яхшигина хабардор бўлиб турган. Ўқи-ганларининг зидди ўлароқ, Чўлпон ўзини қуршаган муҳит ҳаётида биқиқлигу турғунликни, маданий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий таназзулни кўпроқ кузатади. Мавжуд ҳолат билан келишолмаган қалб юрти-ни озоду обод, халқини мутараққий миллатлар қаторида кўриш орзуси билан ёнади.

Чўлпон шу буюк мақсадлар учун курашаётган, бу йўлда бирон натижага эришиши мумкин бўлган кучни жадидчилик ҳаракатидагина кўради, бутун борлиғи билан шу ҳаракатга қўшилади. Айтмоқчимизки, ўсмир чоғидаёқ Чўлпон онгли равишда кураш йўлини танлаган, шу боис ҳам илк муҳаббатини бахш этгани Истиқлол ва Тараққийга то сўнгги нафасгача содиқ қолган эди. Буни шундан ҳам билса бўладики, ижодининг аввалидаёқ у ўзининг ижодий кредосини аниқ белгилаб олган, адабиётни буюк мақсадлари хизматига сарфарбар этишга чоғланган эди. Адиб ўн етти ёшида ёзган «Адабиёт надир?» ва «Муҳтарам ёзғучиларимизга» номли мўъжаз мақолаларида олдинга сурилган тамойиллар унинг бутун ижодида устуворлик қилди. Чўлпон миллатни «уйғотиш» учун янги типдаги адабиёт — истиқбол йўлини кўрсатишга қодир реалистик адабиёт зарурлигини теран ҳис қилади. Айни шу нарса Чўлпонни ижодий изланишларга, дадил тажрибаларга ундаган эдики, натижада унинг қутлуғ номи адабиётимиз тарихига том маънодаги новатор ижодкор сифатида кирди.

Мутахассислар Чўлпон ижодий фаолиятининг бошланиши 1913—14-йилларга тўғри келишини, илк асарлари билан нафақат Туркистон, балки Қрим, Та-

таристон, Бошқирдистонда чоп этилган газета-журналларда ҳам қатнашиб турганлигини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, ёш адиб ўзи қизиқиш билан ўқиган жадид нашрларига хат, хабар, кичикроқ мақолалар юборган бўлиши мумкин. Бироқ, афсуски, бу масала ҳали тўла ўрганилганича йўқ. Шу боис ҳам, ҳозирча, Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган илк асари сифатида «Садон Туркистон» газетасининг 1914 йил 3-сонига босилган «Туркистонли қардошларимизга» номли шеърини кўрсатишимиз мумкин. Шундан сўнг «Садон Туркистон» ва «Садон Фарғона» газеталарида бирин-кетин Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Доктор Муҳаммадиёр» номли ҳикоялари, «Баҳор авваллари» номли лавҳаси, «Адабиёт надир?» ва «Муҳтарам ёзғучиларимизга» номли адабий, «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик» ҳамда «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» номли публицистик мақолалари эълон қилинади. Албатта, муаллифнинг мазкур машқлари ҳали мукаммалликдан йироқ, шунга қарамай, улар адибнинг ижодий ўсишини кузатиш, дунёқарашидаги ўзгаришларни англашимиз учун бағоят муҳимдир.

Чўлпон илк машқларидаёқ жадидчилик ғояларининг оташин тарғиботчиси сифатида бўй кўрсатади. Ёш адибнинг Туркистондаги мавжуд аҳвол билан келишолмаслиги унинг «Туркистонли қардошларимизга» номли шеърида бўртиб кўринади:

*Илму маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум
бизни халқ,*

Маърифатсизлик балосига йўлуққан бизни халқ...

Чўлпон миллатнинг фожейи аҳволи илдиэларини жоҳилликда, ўз фойдасини англамаслиги-ю истиқбол ҳақида қайғурмаслигида кўради. Фарзандларини маърифатли қилиш ўрнига кони исроф тўй-ҳашамларга, бемаъни айшу ишратга берилган, мактаб ўрнига чойхона-ю майхоналар бино қилаётган халқ турмушини мутараққий миллатлар турмушига қиёслаб, ўртанади. Адибнинг илк ҳикоялари қаҳрамонлари ҳам унинг ўзи каби муҳит билан келишолмаётган, ортиқ бу аҳволда яшаш мумкин эмаслигини теран англаган ёшлардир. «Қурбони жаҳолат»да, Чўлпон, муҳит билан келишолмагани ҳолда, мавжуд аҳволдан қутулиш чораларини тополмаган, жаҳолату ҳақсизлик туфайли жонига қасд қилган йигит фожиясини тасвирлайди. Албатта, Эш-

мурод фожиасини кўрсатиш орқали адиб жаҳолат пардаси туфайли маърифат нуридан мосуво кечаётган ҳаётга муносабатини ифодалайди. Бироқ, адибнинг бош мақсади — шахснинг маърифатли бўлишининг ўзи кифоя эмас, эртaroқ кўзи очилганлар бошқаларни уйғотиш учун ҳаракат қилишлари лозим, фаолиятсиз маърифат ўлик сармоядирки, ундан на миллатга ва на шахснинг ўзига наф йўқдир, деган фикрни олдинга суришдир. Кейинги ҳикоясида эса Чўлпон Эшмуроднинг зидди бўлган Муҳаммадиёр тимсолини яратади. Муҳаммадиёр — ёш адиб идеалидаги қаҳрамон, у Эшмурод каби эзилиб-ўртаниб юрмайди, муайян мақсад сари интилади. Илмга чанқoқлиги ва тиришқoқлиги туфайли Муҳаммадиёр ҳаётда бахт топади, халқининг саодати учун хизмат қилади, миллатнинг чинакам «ходими»га айланади. Ҳикояда илму маърифат ижтимоий ҳаётдаги жамики иллатларни бартараф қилиш, истиқлолу тараққийга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин қилинади. Бироқ, ҳаётга чуқурроқ кираиб боргани сари, Чўлпон илм-маърифатнинг ўзи билангина кўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслигини, бунинг учун туб ижтимоий ислоҳотлар зарурлигини тобора теран англаб боради. Хусусан, «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик» номли мақоласида бу нарса яққол кўзга ташланади. Уч бўлим ҳолида алоҳида-алоҳида чоп этилган мазкур мақоланинг биринчи қисмида Чўлпон «нима учун шундай унумли ерларимиз бўла туриб деҳқонларимиз оғир аҳволда?» деган саволни қўяди-да, бу саволга шундай жавоб беради: «деҳқонларимиз маърифатсизликлари сабабли зироат машиналарини ишлатмайдилар, шу боис ҳам меҳнатлари яхши самара бермайди. Муаллифнинг фикрича, ёшлар ҳамда газета-журналлар деҳқонларга бунинг англатсалар, турмуш яхшиланади. Орадан бир ойдан мўлроқ вақт ўтгач, Чўлпон мақоланинг кейинги қисмини эълон қилади. Бу вақт орасида адиб қишлоқма-қишлоқ юриб деҳқонлар билан учрашган, уларнинг дардлари билан яқиндан танишган эди. Энди, Чўлпон, чинакам тараққий қилиш учун деҳқонларни куллик асоратидан қутқариш, яъни туб ижтимоий ислоҳот ўтказиш зарур, деган тўхтамга келади. Мақоланинг учинчи қисмини адиб қуйидагича мурожаат билан якунлайди: «Ёзайлук, қариндошлар, зироатдан! Ёзайлук, қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса, мак-

таб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. Деҳқонлар бойлар қўлидан, қуллик, асирликдан қутулса, ҳаммаси бўлур. Ёзайлук, қариндошлар!..»

Афсуски, Чўлпон қарашлари тадрижини изчил кузатиш имкониятидан маҳруммиз. Чунки адиб фаол қатнашиб турган «Садон Фарғона», «Садон Туркистон» газеталари 1915 йил ўрталарига етиб-етмай нашр қилинмай қўйган. Чўлпон бу вақтда ҳам ўз устида жиддий ишлагани, ижтимоий фаолиятни ҳам тўхтатмасликка интилгани М. Муҳаммаджоновнинг китобида айтиб ўтилган. М. Муҳаммаджоновнинг Андижонга келишидан мақсад — тўхтаб қолган нашрларни бу ерда «рус тилида чиқадиған газета ёнида тирилтириш» бўлган. Ўтиборли жиҳати шундаки, таниқли маърифатпарвар Убайдулла Хўжаев топшириғи билан Андижонга йўл олган М. Муҳаммаджонов келибоқ Чўлпон билан боғланади, у билан танишиб, бақамти иш бошлайди. Бундан кўринадики, Чўлпон бу пайтга келиб жадидларнинг ишончли кишиларидан бирига айланган, улар билан мунтазам алоқада бўлиб турган. Чўлпон ва М. Муҳаммаджоновнинг ўзбек тилида газета чиқаришга рухсат берилишини сўраб икки марта эъзган аризалари турли баҳоналар билан рад қилинади. Шу ўринда яна бир нуқтага эътиборни тортгимиз келади: газета чиқаришнинг имкони бўлмагач, М. Муҳаммаджонов Сулаймонқул баззоз кўмагида усули жадид мактабини очиб, болаларни ўқитиш билан машғул бўлади. Чўлпон эса кейинроқ йўлга қўйилган «Туркестанский голос» газетаси билан ҳамкорлик қилади.

Чўлпон 1917 йил февраль инқилобини зўр қувонч билан кутиб олади. «Турмуш уринишлари»да ёзилишича, адиб ўзига сиғмаган ҳолда кириб келиб: «Қани, суюнчини чўзаверинг, Мўминжон ака! Падарлаънат оқподшо йиқилибди, асфаласофилинга кетибди! Энди эзилган ҳамма халқлар озод!»— дея хитоб қилган экан. Уша кунларда Чўлпон бағоят кўтаринки руҳ билан яшайди. Янги шаҳарда бўлган митингда оташин нутқ сўзлайди. Инқилоб, ҳамма ерда бўлганидек, Андижонда ҳам ижтимоий фаолликни кучайтириб юборди: шаҳарда турли-туман жамиятлар, фирқалар ҳаракати фаоллашди. Мавжуд шароитда демократик йўл билан мустақиллик олиш имкони юзага келаётганидан руҳланган «ёшлар Керенский ҳукуматини мустаҳкамламоқ, миллий озодлик оломоқ йўлида тараддудга ту-

шиб қолдилар»¹. Чамаси, Чўлпон ҳам демократик йўл билан мустақилликка эришиш имкониятига ишонган, маҳаллий бошқарув идораларига, хусусан, Таъсис мажлисига ўтказиладиган сайловларга жиддий эътибор билан қарагани ҳам шундан бўлса керак. А. З. Валидийнинг гувоҳлик беришича, Чўлпон сайлов масаласига бағишланган дoston ҳам ёзган, унда ўз ҳаммаслакларининг дастурини баён қилган. Албатта, бундай шароитда кенг омманинг юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар моҳиятини билиши муҳим аҳамият касб этади. Шунини яхши билганидан бўлса керак, Чўлпон май ойидан иш бошлаган Эски шаҳардаги бепул қироатхона нозир бўлиб ишлайди. Қизиғи шундаки, мазкур қироатхона «Шўрои исломия» жамияти томонидан ташкил қилинган бўлиб, тайёргарлик ишлари бирмунча илгарироқ бошлангани тайин, албатта. Бундан кўринадики, Чўлпон «Шўрои исломия» билан ҳам алоқада бўлган. Шунинг ўзиёқ, кейинча уни душманга чиқариш учун етарли асос бўлиши мумкин эди. Зеро, большевиклар наздида «Шўрои исломия» энг реакцион ташкилотлардан саналарди. М. Муҳаммаджонов айтмоқчи, турли жамиятлар «бир-бирлари билан мартаба талаша бошлаган» пайтларда Чўлпон юрт озодлиги мақсадини ҳар қандай гуруҳий ва шахсий манфаатлардан устун қўяди, шу йўлда ҳаракат қилаётган барча кучларнинг бирлашишини истади. Таасуфки, ҳамма ҳам бу хил фикр юритмаган, натижада турли гуруҳлар орасидаги келишмовчиликлар кучайиб борган. Ўйлашимизча, И. Ғозиев хотирлаган Чўлпон билан отаси ўртасидаги зиддият ҳам шунинг маҳсули бўлган бўлса, эҳтимол. Бироқ, бизнингча, бу зиддиятни ўта кескинлаштириш унчалик мақбул эмас кўринади. Зеро, ҳар қандай ота сингари Сулаймонқул базозни ҳам ёлғиз ўғлининг тақдирини ташвишлантирган, ёшчилиги қизиққонлиги орқасида ўзига душманлар орттиришини истамаганидан уни бироз тийишга интиланган бўлиши, баски, зиддиятнинг туб руҳий асоси айни шу ташвишу истак бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.²

А. З. Валидийнинг ёзишича, Чўлпон мухториятчилик ҳаракатида фаол иштирок этган, ҳаммаслаклари

¹ М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. Тошкент, 1964, 130-бет.

² Қаранг: Н. Қаримов. Чўлпон. Тошкент, «Фан», 1991, 18—19-бетлар.

билан Туркистоннинг турли шаҳарларига бориб тарғибот ишлари билан шуғулланган¹. 1917 йил августда «Хуррият» газетасида «Қофқозияга кетган Фарғона ҳайъатидан» номли очиқ хат эълон қилинади. Хатга имзо чеккан уч кишининг бири ҳам, услубига қараганда хатнинг асосий муаллифи ҳам Чўлпоннинг ўзи бўлган кўринади. Адибнинг Қофқозия турклари билан алоқа боғлаш учун юборилган делегация таркибида бўлиши ҳам унинг мухториятчилик ҳаракати фаолларидан бўлганини тасдиқлайди. Хат муаллифи ҳайъатнинг мақсадини «Мундай замонда сўнгисидан (яъни, мустамлакадан — Д. Қ.) қутулиш учун ҳар тарафда тарқалгон туркларнинг, Турон болаларининг бирлашишлари лозим», — деган сўзлар билан тушунтиради. Албатта, туркчилик ғояларининг бу қадар долзарблашуви муайян ижтимоий-сиёсий шароит билан белгиланади: жадидчилар Россия империяси таркибидаги туркий халқлар бирликда ҳаракат қилсаларгина мустақилликка эришишлари мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу бонс ҳам хатда: «Қофқозда биздан, Туркистонда Қофқоздан, Волга бўйидан бизда, биздан Волга бўйида ҳайъатлар, вакиллар бўлиши керак. Бошқа тарафдан келурға ҳозир вақт номуносибдур», — дейилади. Қўраமிழки, бу ўринда Туронзаминни туркий халқларнинг ўзлари бошқаришлари лозим, деган фикр ётади.

Ниҳоят, шу ниятларнинг амалга ошишининг дебоҳаси сифатида 1917 йилнинг 26—29 ноябрида Қўқонда тўпланган IV Туркистон умуммусулмон съезди Туркистон мухториятини эълон қилди. Чўлпон мухториятни зўр қувонч билан кутиб олди, «Эл байроғи» газетасида мухториятнинг гимни дейишга арзигулик «Озод турк байрами» номли шеърини эълон қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур шеър ҳам туркчилик ғояларининг мужассами деб қаралиши мумкин. Чўлпон мухториятнинг мустақиллик йўлидаги илк қадам эканлигини, юртини ўз қўлида тутиб туришдан манфаатдор кучлар унга ғанимлик қилишлари тайинлигини тегис ҳис қилади. Ўша кучларнинг шаштини пасайтириш, мухториятнинг равнақию том маънодаги истиқлолга айланиши учун бошқа туркий халқлар ҳам шу йўлдан боришлари, бақамти ҳаракат қилишлари ло-

¹ «Шарқ юлдузи», 1993, № 5—6, 138- бет.

зим, деб билади. Айни шу қарашларини амалга татибиқ этиш ниятида Чўлпон Оренбургга жўнаб, у ерда Бошқирдистон ҳукуматини оёққа турғазини ишида қатнашади, ҳукумат раисининг котиби вазифасида ишлайди. Адабиётшунос Н. Каримов берган маълумотга кўра, Чўлпон бундан сал илгарироқ Моҳирўя исмли татар қизига уйланган бўлиб, сафарга келин-куёв бирга отланишган¹. Уйлашимизча, Чўлпоннинг бу сафари 1917 йил охирига тўғри келади, чунки Туркистон мухториятининг қонга ботирилишига адиб бевосита шохид бўлмаган.

Чўлпоннинг Оренбург даври фаолияти ҳали яхши ўрганилгани, бу даврда ёзганлари тўпланганича йўқ. Шунга қарамасдан, Оренбургдаги фаолияти даврида адиб қарашларида жиддий ўзгаришлар юз берган. Чўлпон мухториятчилик ҳаракатига бутун вужуди билан берилган бир пайтда амалга ошган октябрь тўнтаришига ўз вақтида жиддий эътибор бермаган, матбуотда унга ҳеч бир муносабат билдирмаган эди. Қўқонда 1918 йил феввалида содир этилган даҳшатли хунрезликларнинг бевосита шохиди бўлмагани учун ҳам у мухториятнинг мағлубиятга учраш сабабларини эҳтиросга берилмасдан, атрофлича ва чуқур мулоҳаза қилиш имконига эга эди. Расмий хизматда бўлгани учун ҳам Чўлпон янги ҳукуматнинг кўплаб ҳужжатлари билан таниш бўлган, бу ҳукуматнинг истиқболдаги режалари ўзининг ниятларига кўп жиҳатдан ўхшашлигини кўрган. Иккинчи томондан, Қўқон мухториятининг қонга ботирилиши — шўролар ҳукуматининг Туркистонга чин маънодаги мустақиллик бериш фикридан йироқлигига адибни ишонтирган эди. Шунга кўра, Чўлпон октябрь инқилобини бутунича қабул қилолмайди, зеро, унда миллий озодлик орзуларидан батамом кечишга тўғри келур эди. Бироқ бундан, адиб социалистик ғояларни буткул инкор қилган, деган фикр келиб чиқмаслиги керак.

Чўлпоннинг Оренбург даври ҳаётида юз берган муҳим воқеалардан бири, шубҳасиз, унинг ўзбек театр санъати намояндалари билан алоқа боғлашидир. 1918 йилнинг август—ноябрь ойларида Маннон Уйғур бошчилигидаги К. Маркс номли ўзбек драма труппаси агитпоезда гастролга боради. Н. Каримовнинг ёзиши-

¹ Н. Каримов. Чўлпон. Тошкент, 1991, 13-бет.

ча, «труппанинг Оренбургда ўтган томошаларида Чўлпон ҳам қатнашган ва унинг Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоятлов каби ўзбек театр санъатининг қалдирғочлари билан дўстлашуви шу ерда бошланган»¹. Адибнинг кейинги фаолияти кўп жиҳатдан театр санъати, драматургик ижод билан боғлиқ бўлганини эътиборга олсак, бу воқеанинг нечоғли муҳим бўлгани аниқлашади.

Тахминимизча, Чўлпон Оренбургдан 1919 йил бошларида қайтиб келади. Адиб юртига қайтган пайтда сиёсий кураш майдонидаги вазият бирмунча ўзгарган эдики, бу ҳақда Ҳ. Олимжон қуйидагича ёзади: «Сиёсат бобидан сурилиб чиққан, февраль инқилоби давридаги жонсарак уринишлари ҳаёлга айланган ўзбек буржуа зиёлилари бутун кучни маданий-адабий майдонга ташлади. Улар, тахминан, бутун газета ва журналларга ўринлашиб олдилар. Мактаб-маорифнинг асосий шохобчалари уларнинг қўлида қолди. Адабий майдон ва адабий ташкилотларга ўз чангалларини солиб, уларни миллатчилик мафкурасига хизмат қилдирдилар»². Муаллиф муносабатини эътибордан соқит қилсагу, у билан боғлиқ атамаларни ўзгартирсак, бу ўринда биз учун жуда муҳим маълумотлар борлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, жадидларнинг сўл қавоити юзага келган ижтимоий-сиёсий шароитда кураш тактикасини ўзгартирган, яъни социалистик инқилоб юзага келтирган жамики имкониятларни Истиқлол ва Тараққий мақсадига хизмат қилдириш пайида бўладилар. Ҳ. Олимжон назарда тутган адабий ташкилотлардан бири, шубҳасиз, «Чиғатой гурунги» эди. Ўзининг терговда берган маълумотига кўра, Чўлпон 1919 йил бошларида Тошкентда Фитрат билан учрашади. Бу пайтда Фитрат бошчилик қилган «Чиғатой гурунги»нинг фаолияти бошланган бўлиб, Чўлпон ҳам унда фаол иштирок этади. Кейинроқ, 1927 йилда Фитрат: «Чиғатой гурунги» бевосита сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шуғулланди»³, деб ёзса-да, ҳақиқатда маслакдошларни бирлаштирган бу уюшма бошқа муҳим масалаларга ҳам аралашгани тайин, албатта. Юқорида айтилган

¹ Н. Каримов, Чўлпон. 13—14-бетлар.

² Ҳ. Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 жилдлик. 5-жилд. Тошкент, 1972, 111-бет.

³ Фитрат. «Епинмаган гажжаклар», «Ешлик», 1990, № 5.

кураш тактикаси аини шу уюшма бағрида етилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда, Чўлпоннинг «Чиғатой гурунги»да иштирок этиши-ю мунтазам журналистик фаолият билан шуғуллана бошлаши ўртасида алоқа бордек кўринади.

Юртига қайтганидан сўнг Чўлпон «Иштирокиюн»да ишлади, «РосТА»ни чиқаришга бош бўлди, кейинроқ бошқа газета ва журналлар билан ҳам фаол ҳамкорлик қилди. Бу даврда унинг матбуотда қатор шеърлари, публицистик мақола-ю театр тақризлари мунтазам босилиб турди. Чўлпоннинг «Шўро ҳукумати ва санойиё нафиса», «Октябрь инқилоби ва Шарқ дунёси», «Шарқ уйғонган», «Қизил Шарқ» поезди келди» каби мақолалари, «Қизил байроқ», «Қизил байналмилал», «Темирчи» каби шеърларини ўқиганимизда, у шўролар тузумини тамомила қабул қилгандек кўринади. Бироқ, унутмаслик лозимки, Чўлпоннинг Октябрь инқилобига муносабати ҳаёт зиддиятли эди: бир томондан, инқилобнинг меҳнаткашларни озод қилиш шiori билан чиққани унинг қарашларига — Тараққий мақсадига мувофиқдай, иккинчи томондан, шўролар Туркистонга мустақиллик бериш ниятидан йироқлиги унга кундек равшан эди. Қарашлари нечоғли зиддиятли бўлмасин, бу даврда адиб учун истиқлол мақсади бирламчи бўлиб қолаверди. Чўлпон юртининг тақдирини ҳал бўлаётган вақтда бир четга чиқиб туришни ўзига эп билмади. У миллатга энг кўп фойдаси тегishi мумкин бўлган журналистика соҳасини танлаб, энг мақсадларининг амалга ошиши йўлида хизмат қилди. Аини пайтда, Чўлпон янги ҳукуматнинг маориф, маданият соҳаларида олиб бораётган ишларини қўллаб-қувватлади, камчиликларни аёвсиз танқид қилди. Халқнинг маърифатли бўлиши келгусидаги истиқлол учун курашда, ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилишда нечоғли муҳимлигини билган адиб «қизил» шиорлару гаплардан, «қизил» мушоҳадалардан чўчиб ўтирмади — ишга фойдаси тегса бас, деган тамойилга таянди.

Чўлпон 1919 йил охириларидан Қўқонда чиқа бошлаган «Янги Шарқ» газетасида хизмат қилади. Маълумки, бу вақтга келиб Туркистон мухториятининг қонга ботирилишига акс таъсир сифатида майдонга келган миллий озодлик — «босмачилик» ҳаракати Фарғона водийсида авжига чиқа бошлаган, шўро ҳукумати учун жиддий хавф юзага келган эди. Чўлпон мил-

лий истиқлол билан боғлиқ умидларини кўп жиҳатдан шу ҳаракатга боғлаган, унинг чинакам оммавий тус олишига умид қилган кўринади. Шоирнинг «Тортишув тонги», «Кураш», «Пўртана» каби шеърларида айни шу умидворлик ҳисси бахш этган ишонч, кўтаринки руҳ барқ уриб туради. Кейинчалик, 1927 йилда Чўлпон «сўнгги икки-уч йил орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарастлик руҳида шеърлар ва парсалар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди»¹, дея тазарру изҳор қилишга мажбур бўлганида шу даврни ҳам назарда тутган эди. Айтиш керакки, 30-йиллардаги ҳайбатли суд жараёнларида го-го очиқчасига, го-го номини айтмаган ҳолда шоирни босмачилик ҳаракатига хайрихоҳликда айблаганлари ҳам бежиз эмас эди. Тўғри, бундан етти-саккиз йиллар илгари, Чўлпон номи-ю ижоди энди-энди қайтарила бошлаган пайтларда, ижтимоий-сиёсий шароит тақозоси билан буларни инкор қилиш зарур эди. Зеро, Чўлпонни қайтариш учун унинг шўро душмани эмас, дўсти эканлигини асослаш талаб қилинар эди. Хусусан, устоз адабиётшуносларимиз О. Шарафиддинов ва Н. Каримов рисоалари, қатор мақолалар Чўлпонни қайтариш учун ўзига хос «зирҳ» вазифасини ўтади. Эндиликда эса, бу хил мажбуриятдан холи фикр юритиш имконияти мавжуддир.

Афсуски, Чўлпоннинг «Янги Шарқ» (1921 йил январидан «Меҳнат байроғи») газетасида эълон қилинган асарлари ҳали тўпланиб ўрганилганича йўқ. Бироқ адибнинг тергов чоғидаги «бу газетада менинг миллатчилик руҳидаги асарларим ҳаминша навбатсиз босилиб турарди»² деган эътирофини, гарчи бунда муайян жисмоний ва руҳий тазйиқ асорати бўлса-да, буткул асоссиз дейиш нотўғри бўлур эди. Зеро, кўплаб маслакдошлари каби Чўлпон ҳам босмачилик ҳаракатини марказлаштирган ҳолда ягона мақсадга йўналтириш умиди билан яшаган, бу йўлда қўлидан келганча ҳаракат қилган бўлиши табиий.

Чўлпон 1920 йилнинг август-сентябрь ойларида Боку сафарига бўлади. Маълумки, айни шу пайтда Бокуда Шарқ халқлари қурултойи ўтказилган эди. Чўл-

¹ Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент, 1994, 71-бет.

² Н. Каримов. Чўлпон, 14-бет.

пон қурултой ишига вакил қилиб юборилганми ёки мухбир сифатида хизмат сафарида бўлганми — буниси бизга қоронғу. Бироқ, шуниси равшанки, қурултой шоир дилидаги умидворлик ҳиссини кучайтирган, руҳлантирган. Чўлпоннинг Шарқ мавзусидаги қатор шеърларию публицистик мақолаларининг дунёга келишида шу сафардан олинган таассуротларнинг муайян таъсири бор, дейиш мумкин. Шоирнинг бундан кейин ёзган асарларида Шарқ озодлиги мавзуси олдинги планга чиқдики, Туркистон озодлиги масаласи шу оламшумул муаммонинг таркибий қисми сифатида талқин қилинди. Шуниси ҳам борки, Шарқ тимсоли воситасида Чўлпон истиқлол ғоясини шўро матбуоти саҳифаларига ўтказа билди, яъни бу жиҳатдан Шарқ мавзуси ўзига хос «ниқоб» бўлиб хизмат қилди.

Таассуфки, Чўлпоннинг миллий озодлик ҳаракати-га боғлаган умидлари рўёбга чиқмади: босмачилик ҳаракатини марказлаштириш йўлидаги уринишлар кутилган натижани бермади, ҳаракат оммавий тус олиб, умумхалқ ҳаракатига айлана олмади. Кичик гуруҳларнинг ўз бошича ҳаракатлари, қизил қўшиннинг уларни бостириш йўлидаги аёвсиз хунрезликлари оқибатида юрт харобазорга айланди, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриди. Чўлпон ижодининг аини шу палласида умидсизланиш кайфиятлари зуҳур қилди, қаламидан нафратга йўғрилган аламли сўзлар тўкилди. Шоирнинг «Бузилган ўлкага», «Ёнғин», «Амалнинг ўлими» каби қатор шеърлари ана шундай вазиятда ўртанган юрак қони билан битилган, десак, муболаға бўлмайди.

Шу хил маҳзун кайфият қўйнида яшаётган Чўлпонни Бухоро Халқ жумҳурияти раҳбарларидан бири бўлмиш Фитрат «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик қилиш учун таклиф қилади. Айтиш керакки, амирлик тугатилганидан кейин жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари Бухорога йиғила бошлаган эдилар. Улар ёш республикани мустаҳкамлаш билан бирга, Бухорода туриб Туркистон озодлиги учун курашни давом эттиришни мақсад қилганлар. Чамаси, Чўлпон йўлга чиқмасиданоқ маслакдошларининг мақсадларидан хабар топгану кўнглида яна умид порлагани ҳолда сафарга чиққан. Шоирнинг шу кунлардаги аҳволи руҳияси «Йўл эсталиги» номли сафарномасида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Сафарноманинг бош-

ланишида 1921 йил 27 май санаси қайд этилганки, бу нарса Чўлпон шу куни йўлга чиққан, дейишимизга асос беради.

Буюк мақсадлардан руҳланган Чўлпон Бухорога келибоқ жўшқин фаолиятга шўнғийди. Мавжуд аҳволни, истиқбол имкониятларини ҳиссий баҳолагани учун ҳам шоир Бухорога келган дастлабки пайтлар кўтаринки руҳда яшайдики, шеърларидан бирида: «Мен тилакни излайман, Қанот кучлик, борган сари тезлайман!» дея хитоб қилиши ҳам шундан. «Бухоро ахбори»нинг Чўлпон муҳаррирлик қилган илк сони 1921 йилнинг 30 июнида чоп этилади. Чўлпон ўзи катта умид боғлаган Бухоро жумҳуриятининг асосларини мустаҳкамлаш йўлида ҳам муҳаррир, ҳам публицист сифатида астойдил ишлади. Унинг мақолалари — хоҳ ўз имзоси билан, хоҳ бош мақола тарзида берилган бўлсин—кўпроқ оддий халқнинг сиёсий онгини ўстириш, жумҳуриятнинг моҳиятию афзалликларини унга англатиш, давлатни бошқаришдаги роли ва таъсирини ошириш мақсадларига қаратилди. Чўлпон халқнинг фаоллашуви ва ёш жумҳурият теварагида жипслашиши нечоғли муҳимлигини ўз ҳаётий тажрибасида кўриб англаган эди. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати оммавий тус олмгани учун ҳам кучая олмаётганини тушунган адиб, Бухоро жумҳуриятини кенг омма астойдил қўлламаса, зарур бўлса уни қурул билан ҳимоя қилишга шай турмаса, узоққа бориб бўлмаслигини ҳам яхши билган. У ўзининг машҳур асарларидан бўлмиш «Халқ» шеърини шу ерда ёзгани ҳам бежиз эмас.

Бутун вужуди билан ишга берилган Чўлпон йил охирига бориб хасталанади, касалхонада ётиб даволанишига тўғри келади. Шоирнинг ана шу даврда ёзилган шеърларидан яна тушкунлик оҳанглари зуҳур қилади. Албатта, бунда касалликнинг ҳам таъсири бор, бироқ тушкунликни шунинг ўзи билан изоҳлаш камлик қилади. Хасталик чоғида ёзилган «Ётоқдан» номли шеърдаги «Оқ деб, пок деб юрганларда дил бузуқ» деган сатрлар айрим нарсаларни тушунишимизга имкон беради. Гап шундаки, «Бухоро жумҳурияти раҳбарлари орасидаги келишмовчиликлар кундан-кун кучайиб, охир-оқибат бундан большевиклар фойдаланган»¹ эдилар. Ҳукумат газетаси муҳаррири сифатида

¹ «Шарқ юлдузи», 1993, № 7—8, 174-бет.

Чўлпон бундан озми-кўпми хабардор бўлгани равшан, албатта. Шоир улуғ мақсад йўлида шахсий манфаатнинг, шахсиятпарастлигу эски гина-кудуратларнинг нечоғли катта ғов бўлиши мумкинлигини чуқур ҳис қилиб ўртанган, «дили бузуқ» биродарларидан нолиган. Бу нарсанинг шоир руҳиятига қаттиқ таъсир қилгани шеърнинг сўнгги сатрларида яққол кўринади:

*Алам олди, фироқ олди, қон олди,
Амал қолди... Кўзи ёшли жон қолди.*

Эътибор қилинса, «амал қолди...» дея кўп нуқта қўяётган шоир дили бузуқлар туфайли эзгу мақсаднинг ора йўлда қолаётганини изтироб билан таъкидлаётганини, шу боис ҳам кўзи ёшли эканини англаш қийин эмас. Чўлпоннинг кўпроқ қанд касалидан нолиганини эътиборга олсак, унинг касалхонага тушиб қолиши ҳам асли шу хил руҳий изтироблар натижаси бўлган, деган фаразни айтиш мумкин.

Чўлпоннинг «Бухоро ахбори»да атиги олти ойгина муҳаррирлик қилганини ҳам, аввало, унинг ёш жумҳуриятга боғлаган умидлари юқоридаги сабабларга кўра сусайгани билан изоҳланиши мумкин. Бироқ, фикримизча, бунинг бирмунча жиддийроқ сабаблари ҳам бор. Газетанинг 1921 йил 3 ноябрь сонида эълон қилинган «Тарихдан» шеърининг сўнгги мисралари шундай ўйлашимизга имкон беради:

*— Бу ярама!— дея оғзим очилмасдан бир буйруқ:
«Мундоғ аччиғ фиғонларга бу йлкада лузум йўқ!»
Қоронғи кеч... Кўк юзида юлдузларим отилғон,
Йўқса меним «оҳларим»ми бўғизимда тутулғон?...*

Кўринадик, Чўлпоннинг «Бухоро ахбори»дан кетиши биринчи навбатда сўз эркинлигига тажовуз қилина бошлагани билан боғлиқдир. Зеро, шеър эълон қилинганидан сўнг бир ой ўтмасдан Чўлпоннинг касалхонага ётишию, даволанаётган чоғидаёқ муҳаррирликдан кетгани ҳам шу фикримизни тасдиқлайди.

Тахминимизча, Чўлпон касалхонадан февраль ойи ўрталарида чиққану, кўп ҳаяллмасдан Тошкентга йўл олган. Шунинг учун бўлса керак, тўпламларидаги айрим шеърларнинг Бухоро—Тошкент темир йўлида февраль ойида ёзилгани қайд этилган. Тошкентга келган Чўлпон, ўртада бир-икки бор Бухоро сафарида бўлганини айтмасак, қарийб бир ярим йил — келгуси йил

куз мавсумига қадар шу ерда муқим туриб ишлайди. Айтиш керакки, ижодининг айни шу даври Чўлпон учун айниқса сермахсул бўлди. Аввало, 1922—1923 йилларда шоирнинг «Уйғониш», «Булоқлар» номли тўпламлари чоп этилди, «Ўзбек ёш шоирлари» номли тўпламга ўндан зиёд шеърлари киритилди. Вақтли матбуотда қатор шеърлари, «Ойдин кечаларда», «Клеопатра», «Қор қўйнида лола» номли ҳикоялари, «Йўл эсдалиги» номли сафарномаси эълон қилинди. Чўлпон «Қизил байроқ» (кейинроқ «Туркистон») газетасида театр шарҳловчиси сифатида қатор спектакллари ҳолис таҳлилдан ўтказди, ўзи театр санъати сирлари билан танишишдан ташқари, бу янги санъатнинг ривожига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Чўлпон 1923 йил ўрталарига қадар йигирмадан зиёд публицистик мақола, ўнга яқин публицистик шеърлар эълон қилди. Адиб публицистикасининг аксари халқаро аҳвол шарҳига, Шарқ озодлиги мавзусига бағишланди. Чўлпон «Шарқ уйғонган», «Юнонистонда ўзгариш», «Октябрь инқилоби ва Шарқ дунёси» каби публицистик мақолалари, «Қурбон», «Истиқлол» каби шеърӣ-публицистик асарларининг қат-қатиға, сатрлар орасига ўзининг эзгу мақсади — истиқлол дардини сингдириб юборди.

Чўлпон ўсмирлик чоғидан дилида ардоқлаб келган мақсад — миллий истиқлолга эришиш учун қулай имкониятлар қўлдан берилганини тобора теранроқ англаб боради. У қисқа бир давр мобайнида уч бора — Туркистон мухторияти, Фарғонада бошланган миллий озодлик ҳаракати, ниҳоят, Бухоро билан боғлиқ умидларида алданди. Бухородан қайтган пайтидаёқ шоир дилида умид ва умидсизлик кураши кескинлашади: ақли имконият бой берилганини эътироф этса-да, эркак ташна кўнгли бунга кўниқолмайди. Чўлпон дилидаги умид шуъласини сўндирмасликка, уни қайта жонлантиришга интилдики, «Кўнгил», «Бас энди» каби шеърларини айни шу интилиш натижаси, дейиш мумкин. Айни пайтда, шоир Анвар пошшонинг босмачилик ҳаракатини марказлаштириш йўлидаги уринишларига ҳам умид боғлаган. Афсуски, шоир дилига оз бўлса-да қувват бериб турган бу ожизгина умид ҳам Анвар пошшонинг ўлими билан (1922 йил, август) барҳам топди. Чўлпоннинг «Алданиш» шеъри, тахминимизча, 1922 йил августидан кейин ёзилган бўлиб, унда:

*Оҳ, энди билдимки, барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли ширин туш экан.
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,
Бағримга ботмоқда оғули тикан, —*

деган изтироб тўла сатрларга дуч келамиз. Бироқ, ҳар қанча оғир бўлмасин, шоирнинг эркесвар кўнгли қанча саркашлик қилмасин, мавжуд ҳақиқатни тан олмасликнинг имкони йўқ эди. Дилидаги зиддиятли курашлар ниҳоясида — 1923 йил ўрталарига келиб, Чўлпон ҳам бу нарсани тан олган. Зеро, шу вақтда ёзилган «Мен ҳам севаман» номли шеърида шоир гўё «Алданиш»да қўйилган ўртовчи саволларга жавоб беради, истиқлол ишқида ёниб яшаган «у кунлари ўтиб кетгани»ни, энди «Мажнун бўлиб элни севишни»ни эътироф қилади. Тўғри, шоир бунгача ҳам эл-юрт дардида ёниб яшади, бироқ у халқига соғинган саодат истиқболдаги нарса эди. Шеър ёзилган пайтга келиб эса беш йиллаб тинимсиз давом этган хунрезликлардан безган, очлигу вайроналикдан юраги зада бўлган эл биргина нарсани — тинчликни истаб қолганди. Чўлпон энди имконият тамом қўлдан кетганини англади, истиқлол мақсадини дил тубида мавриди келгунича қўйишу халқининг бугуни ҳақида қайғуришни зарурроқ билди. Мазкур шеър Чўлпон қарашларидаги бурилиш нуқтасини акс эттирганки, у ёзилган пайтда адабнинг босмачиликни тугатиш мақсадида Андижонда чоп этила бошлаган «Дархон» газетасида ишлагани ҳам фикримизнинг далилидир.

Чўлпоннинг «Дархон» газетасида ишлаши, тахминимизча, 1923 йилнинг июль—сентябрь ойларига тўғри келади. Афсуски, атиги 18 та сони чиқиб тўхтаган Фарғона fronti штабининг нашри бўлмиш бу газетанинг тахламлари ҳали топилиб ўрганилганича йўқ. Қўлимиздаги мавжуд газета парчаси (ксеронусхаси) эса у ҳақда тўла тасаввур беролмайди. Бироқ, бу газета парчаси «Дархон»нинг 16-сони 1923 йил август ойининг охирларида чиққанини билишга имкон берадики, бундан юқоридаги тахминга келиш мумкин.

«Дархон»га ишга келган Чўлпон 1925 йил ўрталарига қадар, асосан, Андижонда яшаб ижод қилган кўринади. «Дархон»ни нашр қилиш тўхтатилгандан сўнг, адиб Қўқонда чиқиб турган «Фарғона» газетасида ишлаган. Мазкур газетага Чўлпон берган матери-

алларнинг аксарияти Андижон, Ўш, Жалолобод ҳудудларига тааллуқли бўлгани, унинг шу ҳудудлар бўйича мухбир сифатида ишлаган бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Чўлпоннинг бу даврдаги руҳий ҳолатини, ёзган бадиий ҳам публицистик асарларининг моҳиятини англашимизда «Сомон парча» номли шеъри муҳим аҳамият касб этади. Шоир унда мавжуд шароитга бўйин эгинишга мажбурлигини, ўзини «оқимнинг йўлига солгани»ю «ҳар амал ҳар ишни «ҳақ» деб бориш»га мажбурлигини ўқинч билан ёзади. Айни пайтда, ўзини зўр денгиз қўйнидаги сомон парча ҳис этган шоир:

*Жимгина борадир кирсиз қўйнимда
Эркин кўпикларнинг аллақанчаси!...*—

дея хитоб қилади. Дарҳақиқат, ҳали Чўлпоннинг овози тўла бўғилганича йўқ эди, у ўз дардларини гоҳо «қизил» шиорларга буркаб, гоҳо эса рамзлар воситасида ифодалай олар эди. Чўлпоннинг «Фарғона» газетасида эълон қилинган қатор мақолаларида миллатнинг маданий-маърифий ўсишига хизмат қиладиган ишлар қўллаб-қувватланди, бу борадаги камчиликлар аёвсиз очиб берилди. Адиб юз бераётган ўзгаришлардан қувонгани ҳолда, «Катта камчилигимиз», «Қаламнинг тойилиши», «Истироҳат мустамлакаси», «Қутурғон мустамлакачилар» каби мақолаларида, «Вайроналар орасидан», «Чимкент хатлари» каби сафар очеркларида миллий сиёсатда йўл қўйилаётган «камчиликлар»ни очишу уларнинг қай томон бораётганидан огоҳ қилишга интилди. Бу нарса, табиийки, Чўлпон дилидаги истиқлол умидининг сўнишига йўл қўймаганидек, ўқувчини сергак торттириши, атрофида юз бераётган ҳодисаларнинг туб моҳиятини кўра билишга ундаши лозим эди. Мисол тариқасида биргина «Катта камчилигимиз» номли мақолага тўхталиб ўтайлик. Мақолада Чўлпон ўзбек тилида чиқадиган журналларнинг пулсизликдан тўхтаб қолгани, уларнинг нечоғли зарурлигию, Маориф комиссарлигининг бу муҳим ишга пул ажратмаётгани ҳақида куюниб ёзади. Мақола ниҳоясида Чўлпон Маориф комиссарлиги ҳақида: «Бу хил нарсалар учун унда пул бўлмайдур. «Қолизей» театрининг эски пул билан 4 триллиўн қарзини тўлашга, Янги Тошкентнинг ишчилар йўқ районида тарихий рақс (танса) мактаблари очишқа, унинг

пруғромини кенгайтиришга пул топилғони билан, туб жой халқ матбуоти ва театри учун пул топилмайдур», — деб ёзади. Сираси, Чўлпоннинг аксар мақолаларида бу хил парчаларнинг бот-бот учраши, унинг ўзи айтмоқчи, «кирсиз қўйнидаги эркин кўпиклар»нинг юзага қалқишидир. Шу маънода, шоир муҳит кучию шароит тақозоси билан бўйин эггани ҳолда мавжуд тузумни тўлалигича қабул қилолмайди, кўнглида тобора зўраяётган истиқлол дарди яшайди. Шу боис ҳам юқоридагидек ҳолларга дуч келганида дил оғриғи чидаб бўлмас даражага етади, кўзларидан қонли ёшлар қуйилиб, сатрлар орасига сингиб кетади. Шоир бу кўз ёшлардан бир кун келиб «чечаклар униши»га, «ҳақ йўли албатта бир ўтилиши»га бешак ишонч билан яшайди; фақат шугина унга куч, ижодий қувват беради.

Чўлпон Андижонда эканида ҳам Тошкентдаги дўстлари билан мунтазам алоқада бўлди, вақт-вақти билан ўзи ҳам бориб турди. Бу даврда «Туркистон» газетасида, «Маориф ва ўқитғучи» журналида унинг публицистик ҳамда адабий-танқидий мақолалари, қатор шеърлари эълон қилинди. Муҳими, шу йилларда марказий матбуотда Чўлпон шеърляти ҳақида илиқ фикрлар айтилди, З. Башир, А. Саъдий, В. Маҳмуд каби мунаққидларнинг мақола ва тақризлари эълон қилинди.

Ўзбек театр санъати учун малакали актёрлар тайёрлаш мақсадида Москвадаги «Сталин номига очилгон ўзбек билим юрти» қошида 1924 йилда Ўзбек драма студияси ташкил қилинган эди. Проф. О. Шарафиддинов ва Н. Каримов рисоаларида Чўлпон 1924 йилдан, яъни, студия очилган вақтдан унда ишлаган, деб кўрсатилади. Бироқ, Чўлпон шеърлари ва мақолалари ёзилган вақтларга эътибор қилинса, унинг 1925 йил ёзига қадар Ўзбекистондан четга чиқмаганлиги англашилади. «Ер юзи» журналининг 1926 йил 12-сонида эълон қилинган «Москвадаги драмстудиямиз» номли мақоласини ўқиганда ҳам Чўлпон студиянинг биринчи йил фаоляти ҳақида бевосита иштирокчи сифатида ҳикоя қилмаётгани англашилади. Шуларга таяниб, Чўлпон Москвага 1925 йил ёзининг охирларида борган, студиянинг иккинчи ўқув йилидан бошлаб ишлаган, деган тўхтамга келиш мумкин.

Театр санъатига айрича меҳр билан қараган Чўл-

пон ёш истеъдодларнинг саҳна санъати сирларини эгаллашлари йўлида астойдил хизмат қилди. Адиб студиячилар учун Гоголнинг «Ревизор», Гоццининг «Маликаи Турандот» каби асарларини таржима қилди, репертуарни миллий асарлар билан бойитиш мақсадида «Яна уйланаман», «Қоровул уйқуси» каби пьесалар ёзди. Москва даври Чўлпоннинг ижодий ўсишида катта аҳамиятга молик эди. Студия ишида фаол қатнашган таниқли актёру режиссёрлар билан яқин алоқа боғлаган адибнинг ўзига ҳам саҳна санъатининг қоронғу томонлари очилди, албатта. Шунинг учун бўлса керак, Чўлпон ўзининг 1921 йилдаёқ саҳналаштирилган «Ёрқиной» пьесаси ҳақида: «хомроқ бўлгани учун яна ишланмакчи» бўлганини ёзади. Юқоридаги мақоладан кўринишича, адиб «Узунқулоқ бобо» пьесасининг ҳам студия репертуарига киришидан умидвор бўлган. Демак, Чўлпон ҳар икки асарни ҳам етук мутахассислар кўригидан ўтказишга тайёрлаган, уларни жиддий қайта кўриб чиққан бўлиши табиий. Қайта ишланган «Ёрқиной»нинг 1926 йилда алоҳида китобча ҳолида нашр этилиши ҳам фикримизни далиллайди.

Чўлпон Москвада эканида Л. Свердлов, В. Качалов каби машҳур рус актёрлари билан яқин алоқада бўлганлиги маълум. Профессор О. Шарафиддинов эсаннинг рус адиб ва шоирлари билан ҳам алоқада бўлганлигини тахмин қилади. Уйлашимизча, бу фикрда тўла асос бор. Чунки Мейерхольд театридаги ижодий тажрибаларни қизиқиш билан кузатган Чўлпоннинг адабий ҳаётдаги янгиликларга қизиқмаслиги, турли адабий кечаларга бормаслиги мумкин эмас эди. Афсуски, адибнинг Москвадаги ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ишончли манбалар жуда ҳам камдирки, кўп ўринда шу хил тахминларга ҳам таянишга тўғри келади. Москвада эканида Чўлпоннинг таржимачилик соҳасидаги фаолияти айниқса сермахсул бўлди. Студия учун ўгирилган асарлардан ташқари мутаржим ўнга яқин ҳикояларни таржима қилиб, кичик-кичик китобчалар ҳолида нашр эттирди. Айни пайтда, Чўлпон ўзининг шеърларию мақолалари билан Ўзбекистон матбуотида ҳам фаол қатнашиб турди.

Москва драмстудиясининг илк битирувчилари билан бирга 1927 йил баҳорининг охирларида Чўлпон юртига қайтди. Студиячилар пойтахт Самарқанд саҳналарида бир қатор ҳисобот спектакллари намоиши

қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Шу тариқа ўзбек профессионал театри шаклландики, унинг оёққа туришида ҳассос шоиримиз Чўлпоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди. Чўлпон Самарқандда яшаб, театрда адабий эмакдош сифатида ишлай бошлади.

Айтиш керакки, адабий танқидчилик шоирнинг қайтишига ўзига хос «совға» ҳозирлаб қўйган эди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 14 февраль сониде эълон қилинган Олим Шарафутдиновнинг «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» номли мақоласидан бошланган танқид «тошбўрони» тобора авж ола бошлади. Афсуски, кўпроқ сиёсий характер касб этган мазкур мунозараларда «шоир ижодини ўзгачароқ ёндашиб текшириш лозим», деган фикрни ўтказишга интилган Ойбеклар эмас, «Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурарачисидир» дея ҳукм чиқарганларнинг қўли баланд келди¹. Энг ёмони, расмий доиралар ҳам кейинги қарашни ёқлади. Хусусан, ЎзКП Марказқўмининг биринчи котиби А. Икромовнинг шу йил октябрь ойида тўпланган Ўзбекистон маданият ходимлари қурултойида сўзлаган нутқида Олим Шарафутдинов «Чўлпон ижодининг ғоявий тутуриқсизлигини тўғри таъкидлагани», «мафкура соҳасида шундай соғлом танқид бўлиши зарур» эканлиги қайд этилди. Бу гаплардан руҳланган маданият ходимлари Чўлпон ижодини ғоявий томондан зарарли деб топдилар, маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган шоирни қурултойдан ҳайдаб солдилар. Чўлпон ўшандаёқ маънан ўлдирилган эди, десак, муболаға бўлмайди. Аҳволнинг бағоят кескин тус олаётганини теран англаган Чўлпон қурултой раёсат ҳайъати номига «Эътироз» ёзиб, «тушунмаслик» орқасида йўл қўйган хатоларига — яъни, шу эл, шу юрт ташвиши билан яшаганига «тавба қилади», бутун куч-қувватини «хатоларни ишчи-деҳқон кўнглидан кетказишга сарфлаш»га ваъда беради.

Чўлпон «Эътироз»да эндиликдаги фаолияти учун «ўзи севган театр соҳасини олиши», ишида партия органларининг қарорларини дастур қилишга ваъда берган эди. Дарҳақиқат, 1928—1934 йиллар оралиғида чиққан матбуот нашрлари кузатилса, уларда Чўлпоннинг деярли кўринмаслигига амин бўламиз. Ўз-ўзидан равшанки, бу

¹ Бу ҳақда муфассал маълумот олиш учун қarang: О. Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. Тошкент, 1994.

даврда адиб публицистикага деярли қўл урмади, ҳатто «хатоларини ишчи-деҳқон кўнглидан кетказиш» мақсадида мурасасозлик руҳида ёзилган шеърлари ҳам босилмади. Чўлпоннинг театрда сахна юзини кўрган «Муштумзўр», «Уртоқ Қаршибоев» каби пьесаларидан ҳам ғоявий нуқсонлар қидириб топилди. Чўлпон асарлари матбуотда босилмагани билан, унинг номини «чўлпончилик» аталмиш сохта адабий-сиёсий истилоҳ газета-журнал саҳифаларидан деярли тушмай қолди. Оригинал асарлари билан матбуотда қатнашиш имконидан маҳрум қилинган Чўлпон кўпроқ таржима соҳасида ишлашга мажбур бўлди: Тургенев, Чехов, Горький, Андреев каби ёзувчиларнинг асарларини таржима қилиб бостирди. Матбуотнинг хуружлари етмаганидек, айни шу пайтларда шоирнинг оиласида ҳам кўнгилсизликлар келиб чиқди: рафиқаси Солиҳа билан ажрашади.

Ҳар жиҳатдан ёзилган шоир, ўзининг терговда берган маълумотига кўра, Ф. Хўжаевга мурожаат қилишга мажбур бўлади: «1931 йилда мени матбуотда буржуа миллатчиси, аксилинқилобчи сифатида айниқса фаоллик билан фош этганларида, мен шикоят қилиб ва ёрдам сўраб Файзулла Хўжаевнинг ҳузурига бордим. Файзулла Хўжаев мени юпатиб, 300 сўм пул берди ва вақтинча Тошкентдан чиқиб, Москвага боришимни маслаҳат қилди ҳамда жамоатчилик мени хийла ёддан чиқарганида қайтиб келишимни буюрди»¹. Чўлпон ҳаётига оид манбаларни синчиклаб ўрганган адабиётшунос Н. Каримов топиб айтганидек, «Ф. Хўжаев Чўлпоннинг яна тўрт-беш йил яшаши ва ўзбек халқининг бахтига ижод қилиши учун имконият яратиб берган»² эди. Зеро, шоирнинг Москвада СССР МИК аппаратида таржимон бўлиб ишлагани ҳам юқоридаги гапларнинг тўғрилигидан далолатдир.

Чўлпон ҳаётининг иккинчи Москва даври ҳам ҳали яхши ўрганилгани йўқ. Бу ҳақда В. Ян, Ю. Мақсудов, В. Рашидов, Д. Олимхон ўғилларининг хотиралари ёрдамида муайян тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Фақат ижодий меҳнатдангина дили осойиш топган Чўлпон берилиб, ўзини унутиб ишлаган кўринади. Ҳар ҳолда, «Кеча» романининг ёзиб тугатилгани, «Она» романининг биринчи китоби ҳамда «Ҳамлет»нинг ўзбек тилига мо-

¹ Н. Каримов. Чўлпон. 27- бет.

² Уша жойда.

ҳирона ўтирилгани, «Соз» тўпламига тартиб берилганининг ўзиёқ шундай дейишимизга имкон беради. Чўлпон Москвада эканида Екатерина Ивановна исмли аёлга уйланади, бу аёл адибни чуқур ҳурмат қилган, унинг ишлаши учун қулай шароит яратишга интиланган. Чўлпонни инсон сифатида чинакам қадрлай билган ягона аёл шу бўлса, эҳтимол. Адиб қамалганидан кейин ҳам уни қутқариш учун турли идораларга бош урган, аризалар ёзган, ниҳоят, 60-йилларнинг бошларида ҳам унинг тақдири ҳақида қайғуриб суриштирган аёл ҳақида шундай дейишга ҳақдимиз.

Москвадан 1935 йил бошларида қайтиб келган Чўлпон рафиқаси билан Тошкентда, собиқ Инқилоб хиёбони ёнидаги уйлардан бирида истиқомат қилади, замондошларининг хотирлашича, фақиргина турмуш кечиради. Бу вақтга келиб бир неча йил узлуксиз давом қилган матбуотдаги Чўлпонга қарши компания биров тинчиган, аввалгидек айблов мақолалар кўринмай қолганди. Бироқ, адибнинг Ўзбекистон ёзувчилари Союзига кириш учун берган аризасининг рад этилиши бу сокинликнинг алдамчилигини равшан кўрсатар эди. Зеро, кўпчилик бу сокинликнинг бўрон олдидаги сокинлик эканлигини яхши биларди. Шундай вазиятга қарамай Чўлпон фаол ижодий иш билан шуғулланди: «Она» романининг иккинчи китобини, Пушкиннинг «Борис Годунов» фожиасию «Дубровский» қиссасини, Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» пьесасини таржима қилди. Бу вақтда Чўлпонга вақтли матбуотда чиқиб туриш имконини бердилар. Адиб 1935—36 йилларда вақтли нашрларда йигирмага яқин мақола, романдан боблар, таржимаю шеърларидан намуналарни эълон қилди. Ва ниҳоят, 1936 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан «Кеча» романи алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Романнинг эълон қилиниши, шубҳасиз, катта воқеа эди. Бироқ, қизиги шундаки, Чўлпон масаласи ҳал бўлмагунча роман ҳақида на ижобий, на салбий фикр билдиришга бирон кимса журъат қилолмади.

Ниҳоят, мудҳиш 1937 йил келди. Апрель ойининг 6—7-санасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бошланган Чўлпонни «тергаш» компанияси шу йилнинг ўрталарига бориб, яъни 13 июлда мантиқий якунини топди — шоир ҳибсга олинди. Чўлпоннинг қамалиши арафасида ҳам, у қамалганидан кейин ҳам вақтли матбуот яна бор кучи билан уни қоралашни давом эттирди. Мавзу

шунчалар долзарб эдики, шоирнинг эълон қилинмаган тўпламига қоралаб тақриз чиқардилар¹, расмий доиралар оғзини пойлаб, «Кеча»дек роман ҳақида икки оғиз сўз айтишга ботинмай турганлар шапалоқдек мақолзга имзо чекдилар... — вазият шу даражада қалтис эди.

Ун йил муттасил туҳмату маломатлардан эзилиб яшаган шоир 1938 йил БЕШИНЧИ ОКТЯБРда ўлимга ҳукм қилиниб, ТУРТИНЧИ ОКТЯБРда отиб ташланди. Дунёга муносабатини умр бўйи рамзлар қатига яшириб ўтган шоир ҳаётининг сўнгги саҳифаси ҳам рамзлидек. Зеро, у нафақат ижодкори, умуман инсонни бир чақага олмайдиган тузумга тоабад тавқи лаънат айтиб туражак.

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Чўлпоннинг лирик мероси «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Соз» номли тўпламларида, «Ўзбек ёш шоирлари» номли мажмуада жам этилган. Бундан ташқари, шоирнинг кўплаб асарлари вақтли матбуот нашрларида эълон қилиб борилган. Таассуфки, Чўлпон ҳибсга олинганида уйдан қўлёзмаларию шеър дафтарлари, кундаликлари ҳам олиб кетилган бўлиб, уларнинг кейинги тақдири ҳануз маълум эмас. Шоирнинг охириги ўн йил ичида ёзиб, матбуотда чиқара олмаган шеърлари шу туфайли бизга етиб келган эмас. Чўлпонни яқиндан билган замондошлари унинг ўша оғир вақтларда ҳам дилбар шеърлар битганини хотирлайдилар. Бироқ ўша даврда ёзилган ва «Соз» тўпламига киритилган шеърлар (булар, маълумки, кўпроқ муроса учун ёзилган эди)дан бошқа лирик асарлари бизга номаълум. Чўлпоннинг 1937 йилда «Жўр» номли тўпламига тартиб бергани ва нашриётга топширгани маълум, бироқ муаллиф қамалганидан сўнг мазкур қўлёзма ҳам изсиз йўқолган. Шоирнинг номи тўла оқланиб, ижодий мероси қайтарила бошлаганидан сўнг чоп этилган «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни» номли тўпламларда, ниҳоят, уч жилдли «Асарлар» мажмуасининг биринчи жилдида бизга маълум бўлган шеърларининг аксарияти жамлангандир. Чўлпон ижодий меросини тиклаш йўлидаги ишлар давом этаётирки, бу изланишлар шоирнинг ҳо-

¹ О. Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. 30- бет.

лирия номаълум асарлари, жумладан, шеърларининг ҳам топилишинга умид уйғотади.

Мақолаларидан бирида Чўлпон: «Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил! Қўнгил бошқа парса — янгилик қидирадир...» — деб ёзган эди. Бир қарашдаёқ шоирнинг ушбу изҳори киши дилида иштибоҳ уйғотиши мумкин: наҳотки, Чўлпон буюк истеъдодларимизни менсимаган бўлса? Наҳотки, хассос шоиримиз пролеткультичилар таъсирига берилган бўлса?.. Йўқ, ўйлашимизча, бу ўриндаги қоникмасликнинг илдизи бошқа. Гап шундаки, мумтоз шеъриятимиздаги ритмик имкониятлар, қатъий шеърини шакл тизимлари аср бошида қайнаб тоша бошлаган ҳаёт шиддатига кўпда мувофиқ келмай қолди. Маълумки, ҳар бир давр шеърини поэтикасини, ритмик ранг-баранглигини ўша даврнинг ўзи белгилайди. XX аср бошидаги ўзбек шеърини ҳам давр шиддатига мос оҳанглар, шиддатли фикр ва туйғулар ифодасига мувофиқ шакллар зарур эди. Янги шеърини яратиш йўлида асримиз бошида майдонга кирган кўплаб ижодкорларимиз изландилар. Шу изланишларнинг энг яхши жиҳатлари Абдулҳамид Чўлпон шеъринида ўзининг мужассам ифодасини топди. Шу боис ҳам биз Чўлпонни ҳақли равишда новатор шоир деб атаймиз. Сираси, шоирнинг «ўзбек адабиётига янги тўн кийгизган»¹ ўз замондошлари томонидан ҳам эътироф этилган эди. Айни пайтда, ҳеч бир ижодкор, ҳатто энг буюк истеъдод соҳиби ҳам ўзини вояга етказган халқ маданияти таъсиридан буткул узилиб кетолмайди. Табиийки, Чўлпон шеърини ҳам қуруқ жойда юзага келгани йўқ, минг йиллар билан ўлчанувчи мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари унга асос бўлиб хизмат қилди. Биз Чўлпон шеърини ҳақида фикр юритганда шу икки жиҳатни ҳар вақт ёдда тутишимиз лозимдирки, акс ҳолда уларнинг мазмун жиҳолатини илғашимиз мушкул бўлади. Сабабки, биз конкрет асарни шартли равишда «текст» деб оладиган бўлсак, унинг мазмун-моҳияти фақат «контекст»дагина тўла намоён бўлиши мумкин. «Контекст» тушунчаси эса бу ўринда тобора кенгайиб бориш хусусиятига эга: шоирнинг шеър ёзилган пайтдаги руҳий ҳолати, унинг ҳаёт йўли дунёқараши, шеър

¹ В. Маҳмуд. Чўлпоннинг «Булоқлар»и. «Туркистон», 1923 йил, 10 декабрь.

ёзилган пайтдаги ижтимоий-тарихий шароит, миллатнинг тарихий-маданий анъаналари...

Чўлпоннинг дурдона асарларидан бири саналмиш «Гўзал» шеъри юқоридаги мулоҳазаларимизни ойдинлаштиради. Мазкур шеър 1919 йилнинг феввалида ёзилган бўлиб, дастлаб «Иштирокиюн»нинг шу йилги 72-сонидан эълон қилинган, кейинроқ «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасига киритилган эди. Шеърнинг лирик қаҳрамони—кўнглига юксак ва соф муҳаббатни жо этган, сева олганининг ўзиданоқ буюк бахтиёрлик ҳиссини туя билган «ошиқ». Унинг қалбини забт этган малакнинг тенги йўқ, оддий кишилар учун юксаклик тушунчасининг тажассуми бўлмиш ою қуёшдан-да баланд. Қўрамизки, «ошиқ» ва «маъшуқа» образлари талқинидаёқ истеъдоднинг мумтоз адабиётимиздан озиқланаётгани сезилади. Зеро, шу хил муболағалар — ёрни ою қуёшга менгзаш ва улардан ҳам ортиқ қўйишлик — мумтоз шеъриятимиз учун одатий ҳол эди. Бироқ, бизнингча, бу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳатига ҳам айрича диққат қилиш лозим. Маълумки, мумтоз шеъриятимизда «ошиқ» ва «ёр» образлари кўпинча рамзий-мажозий маъноларда қўлланылар эди. Хўш, «Гўзал» шеърида рамзийлик борми, ё унда фақат зоҳирий қатламгина мавжудми? Бизнингча, шеърнинг ботиний қатламида бошқа маънолар ҳам яширингандир. Ўз даврида адабиётшунослар, хусусан, А. Саъдий Чўлпонни «символист» шоирлар сирасига киритган эди. Агар символизм оқимининг асосий талабларидан бири реал тасвирдаги зоҳирий қатлам билан рамзий маъно қатламларининг мустақил яшай олиши эканлиги эътиборга олинса, юқоридаги фикримизда жон борлиги англашилади. Символистик шеърда тасвирдан бевосита ўсиб чиқаётган маъно ва рамзий маъно бир-бирига халақит бермаслиги, рамзий маънони ифодалаш учун воқеликдаги нарса-ҳодисанинг моҳиятини бузиб тасвирланмаслиги ҳамда ўша ботиний маънога ҳеч бир ишора қилинмаслиги талаб қилинади. «Гўзал»да тасвирланган нарса — ҳислари тўлиб-тошган ошиқнинг ёр билан хаёлий мулоқоти, у ҳақдаги ўйлари ўқувчининг зоҳирий мазмунни тўла англаши учун кифоядир. Бироқ шеърнинг ботиний маъносини муаллифни яқиндан билган кишилар ўз вақтида қандоқ тушунган бўлса, фаол ижодий ёпдоша биладиган ўқувчи ҳозирда ҳам шунга яқин тушуна биладилар. Бунинг учун энди шеърни «контекст»ларда олиб кўришга тўғри келади.

Чўлпон, юқорида айтганимиздек, шеърни 1919 йил февралда — Бошқирдистондан эндигина қайтган, миллий озодликка боғлаган умидларида бир бора алданган, бироқ энди ўша мақсадни дилига туккан ҳолда шўро магбуотида ишлай бошлаган бир пайтда ёзган эди. Шоир дилидаги миллий истиқлол орзуси унинг ижтимоий-эстетик идеали мақомига кўтарилган эди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, «маъшуқа» Чўлпон учун миллий озодлик рамзи эди, шу боис ҳам шоир уни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяди. Контекст доирасини бироз кенгайтирайлик-да, Чўлпоннинг бутун ҳаёти ўз идеали — миллий истиқлолга интилиб яшашдан иборат бўлди, деган тўхтамга келайлик. У ҳолда, равшанки, «Гўзал»ни тушуниш учун шоирнинг бошқа асарларини ҳам эътиборга олишимизга тўғри келади.

Шоирнинг 1922 йилда ёзилган «Алданиш» номли шеъри ҳам бир қарашда гўзал ёр ишқида ёниб алданган ошиқ изтиробларининг ифодасидеккина бўлиб кўринадди. Чўлпон «Беш йиллик ёнишим бир йил учунми? Эркалаб ўтгувчи бир ел учунми?» деган ўртовчи саволларни қўяди-да, «Севгимнинг боқчаси харобми эди?» деган иштибоҳлар келади кўнглига. Йўқ, шоир севгисининг хомхаёл бўлганига ишоналмайди, чунки:

*Кўлимни тегиздим... одам эди-ку,
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку,
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку,
Бўйнимга қўл солган бир ҳур эди-ку, —*

деб ҳисоблайди. Эътибор беринг-а, лирик қаҳрамон севгисини бағишлаган недир «одам», «бўйнига қўл солган ҳур» эди. Чўлпон бежиз «беш йиллик ёнишлар»нинг елга учгани ҳақида қайғураётгани йўқ. Зеро, ошиқнинг ўз маъшуқаси — истиқлолга етиш орзуси қўл тегизса бўладиган даражада реал кўринган, 1917 йилдан «Алданиш» ёзилгунга қадар айнан беш йил ўтган эди. Кўрамизки, бу ўринда ҳам зоҳирий ва ботиний қатламлар айрича яшайди: шоир маъшуқасидан айрилган ошиқ изтироблари тасвири воситасида миллий истиқлолга етиш умидининг йўққа чиққани орқасидан келган изтиробу аламларини ифодалайди.

Бу мулоҳазаларимизда бирёқламаликка йўл қўяётгандек кўринсак, эҳтимол. Шу эҳтимолнинг дафъи учун яна бир шеърга тўхтаб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. «Алданиш» ёзилганидан кейин орадан ет-

ти-саккиз ойлар ўтгач, Чўлпон унга жавоб тарзида «Мен ҳам севаман» номли шеърини ёзади. Шеърнинг илк сатрлариёқ, мулоҳазаларимиз тўғри йўлдан бораётганига далолат қилади:

*Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб,
Ёруғ юлдузлардан севги кутдим мен...*

Кўрамизки, шоир:

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман,—*

дея ёзган пайтларини эслайди. Кўзга яққол ташланиб турибдики, «Мен ҳам севаман» шеъри билан «Гўзал» нинг биринчи сатрлари орасида мазмуний муносабат мавжуд. Шоир «Гўзал»ни ёзган пайтларини ўқинчга йўғрилган соғинч билан эслайди. Чунки у пайтларда маъшуқасига, яъни истиқлолга етишиш умиди реал кўринган бўлса, энди унга эришиш имкониятлари таъмом қўлдан бой берилганини ҳар қанча оғир бўлса-да тан олишга мажбур. Энди шоирнинг маъшуқасига бўлган буюк муҳаббати дилида армон яраси бўлиб қолиши, бот-бот янгилиниб уни азобларга солиши тайин. Бироқ, ҳаёт давом этаётибди, бас, шундай экан, шоир ҳам яшаши, муҳаббатини кимгадир бахшида этишни зарур: «Энди ҳар нафасда яна куямен, Фақат Мажнун бўлиб элни севаман»,—дея ўзини овутади у.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадик, Чўлпоннинг ижодий шақлланишида мумтоз адабиётимизнинг улкан ва самарали таъсири бор. Шарқ шеъриятидан яхшигина хабардор бўлган шоир унинг ифода услидан сўз айтиш имконияти чекланган шаронда моҳирона фойдаланди, салафлари қўллаган «ошиқ» ва «маъшуқа» тимсолларига янгича руҳ ва мазмун берди, янгича жилолантира билди. Ўйлашимизча, «ошиқ» ва «маъшуқа» образларининг биз таклиф этаётган талқини Чўлпоннинг қатор шеърларини тушунишимиз учун ўзига хос калит бўлиши мумкин.

Гап шеърнинг мазмун жиҳатлари ҳақида бораркан, ўша мазмуннинг қай тарзда юзага чиқишини ҳам бир қур кузатганимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, Чўлпон таянган «ошиқ» ва «маъшуқа» образлари мазмунан нечоғли бой бўлмасин, улар шеърнинг мазмун тизимида бир унсур, холос. Биз шеърдаги шу хил унсурларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаб, муайян маз-

муний бутунликини ҳосил қилувчи структура ҳақида тухталмоқчимиз. Агар «Гўзал»даги фикр-туйғулар тадрижини кузатсак, қуйидагича ўсишга дуч келамиз: ошиқ ва юлдуз — ошиқ ва ой — ошиқ ва шамол — ошиқ ва кун — ошиқ. Эътибор беринг-а, бу хил структура, аслини олганда, адабиётимиз учун янгилик эмас: ривоятларда, эртақларда шунга ўхшаш қурилмалар кўп учрайди, турли кўринишларда такрорланади. Хўш, Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида бундай қурилманинг юзага чиқиши нимадан? Бунинг пайдо бўлиши ғайришуурий тарзда бўлганми ё онгли равишда бирон-бир ғоявий-бадний мақсад кўзланганми? Албатта, мазкур саволларга узил-кесил жавоб бериш даъвосидан йироқмиз, фақат айрим мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Маълумки, Шарқ маданияти таъсирида шаклланган, озми-кўпми мадраса таҳсилини олган шоирга Қуръони Каримнинг таъсири бўлиши табиий. Қуръони Каримнинг Анъом сурасида Иброҳим алайҳиссаломнинг мушрикларга танбеҳ учун юлдуз, ой, қуёшни «парвардигорим» деганлари, кейин эса бу хил эътиқоднинг пучлигини кўрсатганларидан хабар берилади. Ўз вақтида Носириддин Рабғузийга ижодий таъсир ўтказган ояти карималар кейинча Чўлпонга ҳам ўзи сезмаган ҳолда таъсир этган бўлса не ажаб? «Гўзал» ёзилаётган пайтда шоир буни эсламаган ҳам бўлиши мумкин, бироқ ўша буюк таъсир излари унинг онгида сақланиб, ижод лаҳзаларида фикру туйғуларига мос қўйилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кўрамизки, Чўлпон қанчалик янгиликка ўч, новатор ижодкор бўлмасин, унинг ижодиёти ўтмиш маданиятимиз бағрига чуқур илдиз отади, мустаҳкам асосда тургани учун улуғворлик ва муҳташамлик касб этади. Масаланинг иккинчи томонига келсак, мазкур қурилма шеърнинг ҳам зоҳирий ва ҳам ботиний мазмунини изчил ифодалашда муҳим аҳамиятга моликдир. Чўлпон лирик қаҳрамони — ошиқнинг изланишларини, фикру туйғулари ривожини босқичма-босқич кўтариб боради. Шу боис ҳам ҳар бир байт ниҳоясида такрорланаётган «мендан-да гўзалдир» иқрори борган сари тўлишиб, кенгайиб боради, ошиқнинг ўйловлари ниҳоясида: «Мен суйган суюкли шунчалар гўзал, Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!» — деган тўхтамга олиб келадик, бу эътироф қатъий бир ҳукмдай, эътиқоддай жаранг топади. Шоирнинг маъшуқасига етишиш

умидлари узилган бир пайтда ёзгани «Алданиш» шеърда: «Мен уни хаёлий, тотли бир севиш, Илоҳий бир муҳаббат, ишқ билан севдим», — дейиши ҳам шундан далилатдир.)

«Гўзал»нинг кўзга яққол ташланиб турувчи томони — унинг бармоқ вазнида ёзилгандир. Албатта, Чўлпон бунгача ҳам бармоқда машқ қилган, сираси, унга замондош бўлган кўп шоирлар она тилимизга хосроқ бу вазнга тез-тез мурожаат қила бошлаган эдилар. Бироқ, «Гўзал»даги бу жиҳатга алоҳида тўхталишимизнинг бошқа бир сабаби бор. Гап шундаки, шеър ёзилган пайтда Чўлпон «Чигатой гурунги»да фаол қатнаша бошлаган эди. Мазкур гурунг эса шеъриятимизу тилимизни арабий-форсий сўзлардан имкон қадар тозалаш, аynи вақтда, ўша пайтларда анча сезиларли бўлган турк-тотор тиллари таъсиридан сақлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шеъриятимиз тилини соддалаштириш, унинг вазн имкониятларини кенгайтириш борасида Чўлпоннинг беқиёс катта хизматлари бор. Буни Фитратнинг: «Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими?.. Мен ёздимми, эсимда йўқ. Фақат шуниси аниқки, «бармоқ» вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим»¹, — деган эътирофидан ҳам сезиш мумкин. Зеро, ўз даврининг йирик назариётчисининг эътирофи замирида Чўлпон ижодига берилган юксак баҳо ботиндир. Миллий маданиятимиз ривожига мантиқий изчилликни шундан ҳам билса бўладики, ҳазрат Навоий туркий тилнинг «тенг ҳуқуқлилиги» учун курашганларидек, Чўлпону Фитратлар салафлари бошлаган ишни мантиқий ниҳоясига етказишга интилганлар. Зеро, бу икки буюк адиб фаоллари саналган уюшманинг «Чигатой гурунги» деб номланиши ҳам шундан далилатдир. Фитрат «бармоқ»нинг афзалликларини назарий жиҳатдан асослаб берган бўлса, Чўлпон «Гўзал»га ўхшаш шеърлари билан бармоқда ҳам чинакамига гўзал шеърлар ёзиш мумкинлигини кўрсатиб берди.

«Гўзал» шеъри олти мисрали бандлардан ташкил топган бўлиб, ун бир ҳижоли бармоқ вазнида ёзилгандир. Ҳар бир банднинг дастлабки тўрт мисраси олти ва беш ҳижоли туроқлар билан бўлингандир:

¹ *Фитрат*. Аруз ҳақида. Тошкент, 1936, 21-бет.

6

Қо-рон-ғу ке-ча-да // кўк-ка кўз ти-киб,
 Энг ё-руғ юл-дуз-дан // се-ни сў-рай-мен.
 Ул юл-дуз у-я-либ, // бо-ши-ни бу-киб,
 Ай-та-дир: «Мен у-ни // туш-да кў-ра-мен.»

5

Гарчи кейинги икки мисранинг ритмик тузилиши ҳам худди шу кабидек кўринса-да, аслида уларда бош туроқ ичида учга уч ҳамда учга иккилик кичик туроқлар ажралади:

3

3

3

2

Ту-шим-да / кў-ра-мен, // шун-ча-лар / гў-зал
 Биз-дан-да / гў-зал-дир, // ой-дан-да / гў-зал!

Бу хил тартиб фақат бир ўринда — иккинчи банднинг бешинчи мисрасида бироз бузилгани ҳолда, бошқа бандларда мунтазам такрорланади. Шу билан бирга, шеърнинг хушоҳанг бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи яна бир қатор унсурларни ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Булардан бири сифатида сўз такрорини кўрсатишимиз мумкин: масалан, сўнгги икки мисрада «гўзал» сўзи уч мартадан мунтазам такрорланиб туради. Ёки охириги мисрадаги биринчи ва учинчи кичик туроқларнинг ҳар вақт ички қофия («Биздан-да — ойдан-да; мёндан-да — кундан-да» ва ҳ. к.) ҳосил қилиши, мумтоз адабиётимиздаги тарду акс санъатига ўхшаш тескари тартибдаги такрорлар («кўмилган оққа — оққа кўмилганда») шеърнинг хушоҳанглигию таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Чўлпоннинг кўпроқ бармоқ вазнида шеърлар ёзганини унинг арузга салбий муносабатидан ёки аруз техникасини яхши эгалламаганидан деб тушунмаслик лозим. Зеро, агар шоир арузда ҳам замонасига ҳар жиҳатдан мос ва ўзининг ғоявий-бадний ниятларига мувофиқ келадиган асарлар ёзиш мумкинлигига амин бўлганида эди, ўйлаймизки, аруз техникасини мукамал эгаллаш унинг учун вақт ва меҳнат масаласигина бўлиб қолур эди. Чўлпоннинг тўпламларида оз бўлса-да арузда ёзилган шеърлар ҳам учраб турадики, улар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Чўлпоннинг «Қаландар ишқи» номли шеъри арузда ёзилган шеърлари орасида энг машҳури, десак хато бўлмайди. Мазкур шеър ўз вақтида ҳам, ҳозирда ҳам бир қанча хонандалар томонидан суйиб ижро этилаётир. «Қаландар ишқи» шеърини Чўлпон 1920 йилда, Боку сафари вақ-

тида ёзган, кейинроқ у ҳам «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламидан жой олган. Шеърнинг бундай номланиши ҳам бежиз эмас: аввало, Чўлпон 20-йилларда ёзган асарларининг кўпига «Қаландар» имзосини қўйган, иккинчидан, сарлавҳа шеърда куйланаётган муҳаббатнинг рамзий маъноларига ишора ҳам беради. Чўлпоннинг ҳаёт йўли, илгари айтганимиздек, умид ва умидсизлик курашидан иборат эди. Ҳаётининг маълум бир босқичида у умидворлик ҳиссидан руҳланиб, бошқа бир босқичида эса умидсизликдан эзилиб яшаган. Чўлпон Бокуга борган пайтида дилида умидворлик ҳисси устунроқ эди, бироқ ўзининг Туркистон мухториятига боғланган умидларида алданган шоир энди эҳтиёткорроқ бўлиб қолган, умидвор чоғларида ҳам баъзан умидсизлик кайфиятига таслим бўлиб турган кўринади. Чамаси, «Қаландар ишқи» шеъри ҳам шоир дилини ўткинчи тушқунлик кайфияти эгаллаган дамларда ёзилган. Шу боис ҳам илк сатрлардаёқ «йўлини йўқотган», хатарли йўлда «тошдек қотган» лирик қаҳрамонга дуч келамиз. Шу хил кайфият қўйнида экан, шоир ортига — ўтмишига ўгирилади:

*Қарашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат борлигин билмай қулочни катта отдим-ку.*

Ўсмирлик чоғидаёқ миллатни уйғотиш иштиёқида ижтимоий фаолият қўйнига отилган Чўлпон «қарашма денгизи» деганида ўша фаолиятга қалби ташна, кўзи очиқ фидойиларни ром этган гўзал — миллий истиқлол ва тараққий орзусининг жозибасини назарда тутаётгандек кўринади. Бироқ, бу жозибадор «қарашма денгизи»да долғали тўлқинлар ҳам бор, унда ҳалокат топиш ҳеч гап эмас. Туркистон мухториятини ташкил қилишда жонбозлик қилган Чўлпон «ҳалокат» деганида Қўқондаги машҳур 1918 йилнинг қонли февралини назарда тутаётгандек. Февраль инқилобидан кейин фаоллиги янада ортган Чўлпоннинг отаси билан зиддиятга бориб қолганини замондошлари хотирлайдилар. Эҳтимолки, шоир шу дарднинг изтиробин билан: «Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку», — дея ўқинч-ла ўйлагандир? Чўлпон, туркий халқлар мустақиллик учун бақамти ҳаракат қилсаларгина дуруст натижаларга эришишлари мумкин, деб ҳисоблайди. Афсуски, шоирнинг бу некбин ниятлари ҳам рўйбга чиқмади, шу боис ҳам у «қаландардек юриб дунёни

кездим топмайин ёрни» деб ёзади. Шеърнинг энг муваффақиятли чиққан, санъаткорона маҳорат билан ёзилган байти, шубҳасиз, мақтаёсидир:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Мақтаёшнинг ботиний маъносини англаш учун Чўлпоннинг «рамзлар тили»ни бир қур эслаб олиш зарур. Шоирнинг қатор шеърларида («Юрт йўли», «Мен қочмадим», «Алданиш» ва б.) эрк, озодлик, миллий истиқлол рамзи сифатида **юлдуз** келади. Маълумки, октябр инқилобидан кейин уни қуёшга менгаш урф бўлган эди. Қизиғи шундаки, Чўлпон шеъриятида юқоридаги мақтаъдан бошқа жойда қуёшнинг айни шу маънода ишлатилганига дуч келмадик. Айтилганлардан шундай хулоса ясашимиз мумкин: мақтаъдаги шоир таҳаллусининг асл маъносигина рамзий маънога ишора қилади, муҳаббат осмонидаги юлдуз қуёш чиқиши билан сўнишга мажбур бўлдики, бу билан октябр инқилобининг мустақиллик учун кураш пайини қирққанига ишора қилинаётир.

«Қаландар ишқи» шеъри мумтоз адабиётимиздаги ғазал жанри талабларига тўла мос келади. У арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилган бўлиб, ҳазажи мусамманн солим вазнига тушади. Айтиш керакки, айрим ўринларда вазн сакталиклари ҳам қўзатиладики, вазнни бўзмаслик учун бу ўринларни ғайриодатийроқ ўқишга тўғри келади. Масалан, матлаънинг иккинчи мисрасида:

А-с(и) р-лик-то / ш(и)-янг-лиг-бу / ха-тар-ли йўл /

V — — — V — — — V — — —

да-қот-дим-ку

V — — — —

Кўриниб турибдики, шеърнинг тўғри ўқилиши учун ўқувчиларнинг анчагина жиддий машқ қилишлари тақозо қилинади,

Шўролар ҳукуматининг халққа чин маънодаги озодлик бермаслигини Чўлпон теран англаган эди. Шоир дилида Туркистон мухторияти қонга ботирилганида ҳосил бўлган ишонч ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларни кузатгани сари мустаҳкамланиб боради. Хўш, Чўлпон нималарни кўради? Адибнинг ўша пайтларда эълон қилинган мақолалари кузатилса, уларда маҳаллий

халқ маорифи ва маданиятига овруполикларга нисбатан кам эътибор берилаётгани, миллатдошларининг кундалик турмушда «оға»лари томонидан камситилаётгани, мустамлакачилик сиёсатининг амалда бошқача йўсинда давом эттирилаётганидан куйиб-ёниб ёзилган сатрларга дуч келинади. Мақолаларига бу хил дардларини сингдираркан, Чўлпон миллатдошларининг юз бераётган ҳодисалар моҳиятини англашларини, чинакам озодлик учун курашишларини, сохталашиб бораётган шиорларга алданиб қолмасликларини истаган эди, албатта. Айни шу хил қарашлар, шу мақсадда ёзилган асарларидан бири сифатида Чўлпоннинг «Ўзбегим» номли шеърини кўрсатиш мумкин. Мазкур шеър маълум сабабларга кўра ўз вақтида эълон қилинмаган бўлса-да, замондошларининг хотиралари орқали бизгача етиб келган. Чамаси, 1919 йилда ёзилган деб тахмин қилинадиган бу шеър қўлёзма ҳолидаёқ шоирнинг дўстлари орасида тарқалган ва анча машҳур бўлган. Шеърнинг илк сатрларидаёқ шоирнинг аламли кинояси кўзга ташланади:

*Сўлқиллаб келасан, ўзбегим,
Маърифат отига отланиб,
Бир мири топган боладай —
Оғзингни иржайтиб... суюниб!*

Бу сатрларда юз бераётган ҳодисалар моҳиятини англашдан ожиз, юзадаги ўзгаришларнинг ўзигаёқ қувончи ичига сиғмай юрганлар ҳолига ачиниш ва аччиқ истеҳзо мавжуддир. Шоирнинг бу ҳолатни бир мирилик чақа топган бола ҳолатига ўхшатиши, «иржайтиб» сўзидаги салбий бўёғу кўп нуқтадан сўнг айрича маъноли оҳанг касб этаётган «суюниб!» сўзининг ишлатилиши шундан далолат беради. Болаларча қувониб юрган миллатдошларини Чўлпон хаёлан кечаги— «хуррият бўлган» кунларга қайтаради, зеро, ўша пайтларда: «Оғзингга «маллалар» бир тепди, «Маърифат ҳаромдир сартга» деб» каби сатрларни ёзган эди. Чўлпон кундалик ҳаётда «великоросс шовинизми» иллатидан кўп бор юраги зада бўлган, миллатдошларининг камситилишларига ҳар қадамда дуч келган одам эдики, бу иллатнинг йўқолиши жуда қийинлигини яхши англади. Шоир ўтмишга қисқагина саёҳат қилгач, яна бугунги кунга қайтади ва:

*Кўраман: охирида минибсан,
Чарчаган бўлса-да — отингга.*

*Тангрига шукр қил, юрабер,
Кўз солиб ўнгингга, чапингга! —*

деб ёзади.

Кўрамизки, маърифат отининг чарчаганини таъкидлаётган Чўлпон бу соҳада олиб борилаётган ишлардан ҳам тўла қаноат ҳосил қилолмайди. Шоирнинг учинчи сатрга жойлаган «Тангрига шукр қил, юрабер» деган гапини, бизнингча, киноянинг бир тури сифатида тушунилса, тўғрироқ бўлади. Зеро, бу гапни ўқувчининг тескари маънода тушунишини истаган Чўлпон юзаки ўзгаришлардангина қувониб юравериш мақбул эмаслигини таъкидлаб айтади. Шоир маърифат отини қишлоқда чоптириш зарурлигини таъкидларкан, ўз даври шароитида маҳаллий аҳолининг аксарияти қишлоқда яшашлигини унутмагани ҳолда, миллий маърифат ҳақида қайғуради.

Чўлпон миллий озодлик учун кураш бой берилганига ишона олмайди, яқин келажакда халқнинг эрк дея бош кўтариши ва мустамлакачиларни улоқтириб ташлашига комил ишонч билан яшайди. Бу хил ишонч, айниқса, «Тортишув тонги» шеърида яққол кўзга ташланади. Миллий озодлик учун кураш рамзи сифатида «қуёш»ни оларкан, шоир «Ботган қуёш булутларнинг остидан, Бош кўтариб чиқмоқ учун тириша»ётганини кўриб қувонади, мазлум халқини ўзи билан бирга қувонишга ундайди, «кишан ясовчи уста»ларга таҳдид қилади. Шоир дилида устуворлик қилган бу хил ишонч-ни 1919—20 йилларда Фарғона водийсида авж ола бошлаган «босмачилик» ҳаракати қувватлантирган эди. Бироқ, Чўлпоннинг орзулари саробга айланди, босмачилик ҳаракати том маънодаги оммавий ҳаракат даражасига кўтарилмади: юртда бўлиниш содир бўлди, аканинг укага, боланинг отага қарши жанг майдонига кириши у замонлар учун фавқулодда ҳодиса бўлмаёқ қолди. Тинимсиз урушлару даҳшатли очлик натижасида халқ абгор, юрт харобазор бўлди. Шоир она шаҳри Андижон томонларга борганида гуллаган водийнинг хароб этилгани, юртдошлари меҳнати билан барпо этилган қишлоқларни бойқушлар макон тутганини ўз кўзи билан кўради; тул қолган жувонлар, етим-есир болалар, фарзанд доғида юраги пора бўлган ота-оналарнинг фарёдларини ўз қулоғи билан эшитди; босмачиликка қарши кураш баҳонасида ёппасига қирғин қилинган қишлоқлар, қизил қўшин содир эт-

ган хунрезликлар ҳақида эшитиб билади... Буларнинг бари шоир қалбини ларзага солади, юрак қони билан ёзгани—«Бузилган ўлкага» шеъри дунёга келади. Илк бор «Булоқлар» тўпламида эълон қилинган мазкур шеър 1920 йилда ёзилган бўлиб, ҳақли равишда Чўлпон шеъриятидаги энг дардчил ва айни пайтда даъваткор асарлардан саналади. Айтиш керакки, Чўлпонни миллатчилигу аксилинқилобчиликда айблаганлар қўлидаги асосий дастаклардан бўлиш бу шеър шоир ижодий мероси тақиқланган пайтларда ҳам қўлёзма ҳолида қўлма-қўл юрган, кўпчиликка таниш асарлардан эди. Шоир шеърни ўлкага мурожаатдан бошлайди:

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қора булут кўланка?*

Чўлпон шеърни «Булоқлар» тўпламининг «Шарқ учун» номли бўлимига киритган, матннинг бирон-бир ўрнида ўлкани географик жиҳатдан конкретлаштирмаган бўлса-да, гап Фарғона водийси ҳақида бораётгани яққол сезилиб туради. «Бузилган ўлкага» шеъри юқорида кўрганимиз «Гўзал» ва «Қаландар ишқи» шеърларига кўп жиҳатдан ўхшагани ҳолда, улардан жиддий фарқланади ҳам. Бу фарқ шундаки, «Бузилган ўлкага» рамзий (символистик) шеър эмас, яъни, у зоҳирий ва ботиний маъно қатламларига ажралмайди. Тўғри, шеърда рамзий тимсоллар, кўчим сифатида қўлланган рамзлар катта ўрин тутadi. Юқорида келтирилган шеърнинг илк сатрлариданоқ бу нарсa кўзга ташланади. Бунда «қора булут» рамзига дуч келамизки, контекстан келиб чиққан ҳолда унинг мустамлакачилар маъносида қўлланганини сезиб оламиз. Демак, ўқувчиларга шу шеър ёрдамида рамзнинг турли даражалари—кўчим сифатидаги, тимсол сифатидаги ҳамда бутун бир асар даражалари бўлиши мумкинлигини тушунтириш имконияти бордир.

Ўзининг ғоявий-бадий ниятига мувофиқ тарзда Чўлпон асар композициясини, юқоридаги мурожаатни ҳам алоҳида деб олсак, беш қисмга ажратади. Шоир мурожаатдан кейиноқ ўша «қора булут» соя солган юрт тимсолини чизишга ўтади. Чўлпон талқинидаги юрт маконий тушунчагина эмас, йўқ, у ҳис қила биладиган мавжудлик — азоб, қувонч, нафрат ҳислари унга асло ёт эмас. Бу юртнинг ёвлардан безганлиги шунчаларки, тоғлардан тушаётган зилол сувлари «ийғлар каби инглайлар», «Ёв ... борми? деб тўрт тарафни тинглайлар».

Бу юртнинг ёвларга нафрати шунчаларки, зилол булоқлари шифобахш сувларини чақирилмаган «қўноқлар»дан қизғонарлар. Чўлпон яратган юрт тимсолида мушфиқ оналар—борлигини фарзандларига беғараз бағишлай оладиган, яхшию ёмон кунларни фарзанд орқасидан кўрадиган...—тажассум этилгандек. Шеърнинг биринчи қисмида фақат «кўм-кўк ўтлоқлари топталган», фарзандлари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган юртнинг ўзигина бордек. Шеърнинг лирик қаҳрамони ўша ситамдийда юрт билан рўбарў бўлади, унинг кечаги ва бугунги кунларини қиёс қилади. Шоир ҳозирда ғаним топтаётган қирларга ёйилган подаю йилқиларни, тоғтошларда ўйнаб юрган қиз-жувонларни эслайди—онаюртининг нечун шу ҳолга тушганини англашга иштилади. Кўксидagi дардлари билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган она тимсолини яратган Чўлпон биринчи қисм ниҳоясида энди ноқобил фарзандларга хитоб қилгандай бўлади:

*От минганда қушлар каби учувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучувчи,
От чопганда учар қушни тутувчи,
Учар қушдек ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?*

Хитобдан сезиладики, Чўлпон ғариб ҳолга ташлаб қўйилган она-юрт тимсолини чизаркан, уни бўм-бўш тасвирлаши бежиз эмас: шоирнинг эътиқодича, бу ҳолга чидаб турганларнинг ўзи ғариб кимсалардир. Шу боис ҳам иккинчи қисмдаги беададдек туюлувчи «нега, нима учун» каби саволлар, гарчи сиртдан қараганда, она-юртга берилаётгандек кўринса-да, аслида онанинг ҳимоясига ярамаётган ноқобил фарзандларга, уларнинг виждонига қаратилган:

*Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қўлларга?
Нега тағин танларингда қамчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?*

Йўқ, шоир кўнгли юртининг қисматига қуллигу хўрликкина битилганига ишоналмайди, ўзга қалбларнинг-да бунга ишонмаслигини истайди. Ўзининг дилини пора қилган саволларни ўртага ташларкан, у она-юрт бағрини тиглайди, яраларини янгилайди — бунини ўзи ҳам ҳис этади. Лирик қаҳрамон кўз олдида турган муш-

финку меҳрибон, айни пайтда, ҳимоясизу ожизлигидан муштипаргина бўлиб кўзида ёш билан турган ОНА—юрт тимсоли гавдаланади. Шеърнинг кейинги қисмида энди лирик қаҳрамон Онани овутишга интилади:

Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,

Қулоғингга ўтганлардан эртақ тўқий.

Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай,

Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...

Бироқ овутиш онларида ҳам уни «ағдарилган, йиқилган оғир тожнинг заҳар ўқи» ҳамон юрт—ОНА кўк-сида эканлиги ўртайди. Юрт—ОНА бағрида тургани ҳолда уни ўзининг бағрига олиб овутмоқ истаган лирик қаҳрамоннинг:

*Эй, ҳар турли қуллиқларни сиздирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар кўланка?..*

деган изтиробга йўғрилган хитоби яна юрт—ОНА кўзидан «ёшларини сўриб» олишга ярамаётган фарзандларга қаратилган даъват бўлиб янграйди. Зеро, шоир «ағдарилган, йиқилган оғир тожнинг заҳар ўқи»—инқилобдан кейин ҳам давом этаётган мустамлакачилик сиёсати ОНА—юрт бағрини тиглаётганини чуқур ҳис этади, уни халос этишни ўзининг ва ўзгаларнинг бурчи деб билади. Айни шу бурчдорлик ҳиссини бутун вужуди билан туйгани учун ҳам шоирнинг 1919—21 йилларда ёзилган аксар шеърларида курашнинг муқаррарлигига, бу йўлда «ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш»гина мумкинлигига чуқур ишонч бўриб туради.

Шеърларининг бирида Чўлпон «мен ўзликдан кўпдан бери узилиб, кўплик ичра сингиб кетган танамен» дея эътироф этган эди. Дарҳақиқат, адабиётимизда ижтимоий дардни Чўлпончалик шахсийлантира олган шоирни топиш маҳол. Шундан бўлса керак, шоирнинг аксар шеърларидаги кўпчиликка мурожаатлари унинг ўз қалбига қаратилгандек, қалбига мурожаати кўпчиликка қаратилгандир. Бу нарсa, айниқса, шоирнинг 20-йиллар бошларида ёзилган шеърларида яққол кўзга ташланади. Чўлпоннинг 1922 йилда ёзилган «Виждон эрки» шеъри:

Ай тутқинлар, ай эзилган,

Ай қийналган йўқсил эллар,

Ай умидсиз, ай чизилган

Дор олдига ... оппоқ диллар!—

деган мурожаат билан бошланади. Эътибор берилса, шоир мурожаати қаратилган доира ҳаммадан «оппоқ диллар»га томон қисқариб бораётгани сезилади. Бу ўринда, аввало, «оппоқ диллар»нинг маъносини тушуниб олиш даркор. Чўлпон «юрт озодлиги учун курашга кирганларнинг кўнгли бошқа ҳар нарсадан, биринчи галда, шахсий манфаату шахсиятпарастликдан холи, соф бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унинг «Оқ деб ... пок деб юрганларда дил бузуқ» («Ётоқдан»), «Англадим: севгида ҳар кўнгил бузуқ» («Мен ҳам севаман») каби нолишлари ҳам шундан далолат беради. Шунга кўра, Чўлпон «оппоқ диллар» дея улуғ мақсадни кўзлаб майдонга чиққан, шеър ёзилган пайтларда бироз умидсизланган сафдошларига мурожаат қилади, дейишимиз мумкин. Шоир «бўрилардан омон кутмак» оқил кишиларга хос эмаслигини, ҳаётда ягона тўғри йўл «монеъларни хатлаб ўтмак» эканлигини таъкидларкан, аввало ўзини шунга ишонтиришга, кўнглида бош кўтара бошлаган умидсизликни бостиришга интилади. Йўқ, Чўлпон зулмга менсимаслик билан қарамайди, унинг қудратли эканини билади. Бироқ, у қанча кучли бўлмасин:

*Фақат эркин виждонларга
Эга бўлмоқ — мумкин эмас! —*

дея қатъий ишонади. Шу хил эътиқодга суянган Чўлпон кўнгил мулкидаги эркинлигини дахлсиз қолдиришга интилиб, бу эркинликни бўғишга қаратилган ҳар қандай тажовузларга қарши курашиб яшади. Шоирнинг умидлари 1922 йил августида яна бир кучли зарбага учраганида яратилган «Кўнгил» шеъри ҳам фикримизни ёрқин далиллай олади. Чўлпоннинг бу машҳур шеъри:

*Кўнгил, сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча сустлашдинг? —*

деган дардли хитобдан бошланади. Шоир «кўнгил» ва «кишан» тимсолларини ёнма-ён келтираркан, уларнинг мутлақо зидлигини кўрсатишга интилади. Зеро, бу тимсоллар ифодалаётган «эркинлик» ва «қуллик» тушунчаларининг ўзи бир-бирига тамоман зид: бири бор жойда иккинчиси ўлимга маҳкум. Нега энди шоир

кўнгилнинг сушлашганидан нолийди? Чунки Чўлпон учун кўнгил эркинлигини таъминлашнинг ўзигина тугал мақсад бўлмайди, кўнгил оламини ташқи дунёдан буткул айро ҳолда тасаввур қилолмайди. Унинг қарашича, мухторият мақомида яшовчи кўнгил ўзини тўлдирган эрк насимларини ташқи дунёга юбориб туриши, ундаги бўғиқ ҳавони тозалаш лозим. Акс ҳолда, чиқиш имконини топмаган насимлар кўнгилни вайрон этади. Шу хил эътиқод кишиси бўлган шоир шеърнинг иккинчи бандида ташқи дунёдаги кўнгилсиз ҳолларни қаламга олади:

*Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?*

Шоирнинг имони комилки, «ҳақорат» ва «тубанликлар»га кўникиш, бефарқлик кўнгилни ўлдиради. Ташқи дунёдаги бу хил ҳолатларга нисбатан исён қилмаган кўнгил охир-оқибат эркинликдан айрилади — ўлади. Кўнгилнинг яшнаши учун унинг ёниб яшаши, ташқи оламни ҳам ўзидан андоза олган ҳолда ўзгартиришга интилиши тақозо қилинади. Шоирнинг шеър ниҳоясидаги дилларни титратувчи ўтли хитобини ҳам шу йўсин тушунгимиз келади:

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!..*

Бу сатрларда Чўлпон ижодиётига хос гуманизм бўртиб кўзга ташланади. Шоирнинг эътиқодича, инсон ёруғ дунёга эркин яшаш ҳуқуқи билан келади, баски, унинг эркини бўғишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу ўринда сўнгги сатрлар очаётган яна бир маъно қиррасига диққатни жалб этгимиз келади. Чўлпон «кишан кийма, бўйин эгма» дея хитоб қиладики, бу ўринда «Наҳот кишан кийишу бўйин эгиш кишининг ўз ихтиёрида бўлса?» деган савол туғилиши табиий. Ҳа, Чўлпон қаттиқ ишонадики, киши ўзи ихтиёрини бергандагина «кишанланиши» мумкин, холос. Зеро, бу ўринда зоҳирий эркисизлик эмас, кўнгил эркисизлиги олдинги ўриндадир. Инсон кишанда бўлгани ҳолда ҳам ички эркинликка эга бўлиши, кишанларни парчалашу ҳаётини кўнгилдагидек қилишга интилиб яшаши мумкинлиги, буни эркисизлик — қуллигу мутеълик дейишга кишининг тили бормайди.

Юқоридаги мулоҳазаларимизни Чўлпоннинг «Кишан» номли шеъри ҳам тасдиқлайди. «Тонг сирлари» тўпламидан жой олган мазкур шеър ҳам 1922 йилда ёзилгандир. Шеърнинг лирик қаҳрамони кишанга жонли мавжудотдек мурожаат этаркан, ўқувчи тасаввурда кишан аста-секин зулм тимсоли бўлмиш золим девга айланиб боради. Бу зулм тимсолининг маҳкам тутувчи «темир бармоқлари», «манҳус ва қизғонмас кучоғи», доммо сергаклигидан «юмилмас кўзлари» бор. Қўрамизки, Чўлпон муайян нарса — кишан асосида зулм тимсолини яратаркан, кўчимнинг метафора (истиора) аталмиш турига таянади: кишан занжирининг ҳалқаларини «юмилмас кўзлар»га, қўл-оёққа урилган бандларини — темир бармоқларга ўхшатади.

Чўлпон тасвиридаги зулм тимсоли «башар тарихининг ҳар саҳифасида қонли доғ» қолдиргани етмаганидек, унинг «юмилмас кўзлари» элни қаҳр этади, ўз асоратига олишга чоғланади. Ҳар қандай зулмга чексиз нафрат билан қаровчи шеърнинг лирик қаҳрамони озодлик умиди билан яшайди:

Қилич бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб

кетдим...

Фақат ҳар тебранишдан қутулишликни умид этдим.

Қўрамизки, кишан занжирларининг ҳар бир тебраниши унинг танасига оғриқ берибгина қолмайди, айни пайтда, кўнглида исён ҳам қўзғалади, кишандан қутулиш умиди кучаяди. Яъни, шеърнинг лирик қаҳрамони — жисми кишанбанд этилгани ҳолда руҳи озод киши Чўлпоннинг идеалига мос инсондир. Айтиш керакки, шеърда Чўлпоннинг замонасига муносабати ҳам ёрқин ифодасини топади:

*Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,
Фақат буткул қутулмоққа умидим энди ортиқдир!..*

Табииyki, «гавдадаги доғнинг ҳануз битмаган»и ҳақида гап бораркан, демак, кишандан қутулинган. Айни пайтда, лирик қаҳрамон буткул қутулиш умиди билан яшайдики, бу билан Чўлпон юртининг чор истибдодидан қутулгани ҳолда, ҳали том маънодаги озодликка эришмаганини таъкидлайди.

«Қаландар ишқи» шеъри каби «Кишан» ҳам арузнинг ҳазаж баҳрида, ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) вазнида ёзил-

гандир. Бироқ, «Қаландар ишқи»дан фарқли ўлароқ «Кишан» ғазал жанрида эмас, маснавий шаклида ёзилгандир.

Чўлпоннинг аруздаги машқлари орасида «Галдир» шеъри мафтункор оҳангию туйғу-кечинмаларининг самимийлиги билан кишини мафтун этади. Мазкур шеър «Галдир» номли халқ куйига солиб ёзилганки, шоирнинг ўзи буни сатр ости изоҳида таъкидлаб қўйган. Чўлпоннинг «Уйқу», «Қўшиқ», «Қадоқчи қўшиғи», «Чиммат қўшиғи», «Рақамлик севги» каби қатор шеърлари ҳам муайян куйга мослаб ёзилганки, бу нарса унинг мусиқа санъатига муҳаббатидан дарак беради. Чўлпоннинг замондошлари хотираларида ҳам бу нарса таъкидланади. Хусусан, таниқли композитор Мутаваккил Бурҳонов шоир ҳақида: «... у ҳам мусиқани жуда-жуда яхши кўрар экан. Шашмақом садолари янграганда Чўлпон сел бўлиб, бутун вужуди қулоққа айлангандай, бир маромда чайқалиб ўтириб тингларди. Қулоғи мусиқада-ю, хаёллари жунбушга келиб, нималарнидир кўз олдига келтираётгани сезилиб турарди. У эшитган куйларини юрак-юракдан, жуда чуқур ҳис қиларди. Буни комил ишонч билан айтаётганининг боиси бор — баъзан шундай бўлардики, Чўлпон бир куйни берилиб тинглаб, ундан бағоят таъсирланиб чиқиб кетарди-да, икки-уч кундан кейин шу куйга мослаб шеър ёзиб келарди. Бу шеър эса аввалги сўзларга қараганда куйга ўн чандон мосроқ бўларди. Чўлпоннинг «Галдир» деган шеъри бунга мисол бўла олади. У халқ куйига мослаб, дутор тилидан дутор туйғуларини изҳор қилувчи ажойиб лирик шеър яратган»¹,— деб эслайди. Бироқ, шеър дутор тилидан эмас, лирик қаҳрамон тилидан ёзилгандир:

*Мен дутор бирлан туғишган кўҳна бир девонаман,
Ул туғишқоним билан бир ўтда доим ёнаман.*

Шеърнинг лирик қаҳрамони кўнглида бировларга айтгудек изҳори бор одамдирки, шу боис ҳам у «дутор билан туғишқон»лик даъво қила олади. Шеърнинг лирик қаҳрамонининг дили дардга тўла, «бечораларга ёру», «ғам кўрмаганлардан безор»дир. Лирик қаҳрамоннинг дуторга яқинлиги шунчаларки, у сездирмайгина дутор торларига яшириниб ола билади:

¹ М. Бурҳонов. Чўлпон ҳақида. Китобда: Чўлпон. Адабиёт надири? Тошкент, 1994, 190- бет.

*Мен дуторнинг торларига беркиниб олсам агар,
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдин хабар.*

Қўриб турганимиздек, Чўлпон муболағали ҳолатни тасвирлайди, ундан лирик қаҳрамон туйғуларини ифодалашда унумли фойдаланади. Лирик қаҳрамон торларга яшириниши билан гўё дуторга қўшилишиб кетади, энди иккинчи бир образ — чолғучи шеърда бўй кўрсатади:

*Пардалар узра юриб турган одам бармоқлари,
Кўкрагимдан кўп босар, шундан бўлур толмоқлари.
Икки торни қақшатиб, бармоқлар ўтса тўхтамай,
Ғамли ун чиқмас ўшал торларда «галдир» йиғламай.*

Лирик қаҳрамон чолғучига нисбатан бефарқ эмас, шу боис ҳам «кўкрагимдан кўп босар, шундан эрур толмоқлари» дейди. Бунда ҳам сўз ўйинларию маънонинг турфа товланишлари жилва қилади. Зеро, «толмоқлари» сўзини нафақат бармоқларга, чолғучига ошиқлигию ундан кўрган озорларидан тўлган юракка-да алоқадор қилиб тушуниш имконияти бор. Чўлпон куйнинг ўзига хослиги, ижро техникаси билан боғлиқ нозикликлардан унумли фойдаланади, улардан маъно чиқаради: бармоқлар пардани босмай, тўхтамасдан ўтганларида «икки тор» қақшаб қолади — ошиқ маъшуқасидан қанча озор кўрса ҳам, бу хил озорларнинг давомли бўлишини истайди; ошиқ маъшуқасидан озор чекмагани учун ҳам «ғамли ун» чиқмайди, баски, «Галдир» куйи ҳам чиқмай қолади. Дарвоқе, шу йўсин ёндошилса, шеърдаги «галдир» сўзи фақат сўнгги банддагина эмас, илгарироқ ҳам ийҳом санъатига мувофиқ икки маънода тенг қўлланилгани англашилади.

Илк бор «Тонг сирлари»да эълон қилинган «Галдир» шеърининг 1925 йилда Андижонда ёзилгани муаллиф томонидан қайд этиб қўйилган. Шунга кўра, шеърнинг дунёга келишида Чўлпоннинг мусиқага муҳаббати билан бирга рафиқаси Солиҳанинг ҳам муайян таъсири бўлган, деган тахминни айтиш мумкин. Зеро, шеър ёзилган пайтда шоир дутор машқида моҳир бўлмиш бу аёлга уйланиб, бахтиёр турмуш кечираётган эди.

Худди «Кишан» каби «Галдир» шеъри ҳам маснавий шаклида ёзилган. Маълумки, мумтоз адабиётимизда бу хил шеърлар, асосан, ғазал шаклида ёзилгучи эди. Нима учун Чўлпон айни шундай шаклни танлади? Эҳтимол уни ҳар бир байт ниҳоясидаги сўзнинг матлаъга

қофиядош бўлишини талаб қилувчи ғазал жанридан мақбулроқ санагандир? Бўлиши мумкин, зеро, ғазал жанрида шакл талаби билан фикр-туйғуларни ифода-ланидаги эркинлик озми-кўпми чекланиши тайин. Эҳти-мол, Чўлпон маснавий шаклидаги қофиянинг ранг-ба-ранглиги монотонликка барҳам беради, деб ҳисоблаган-дир? Албатта, юқорида қўйилган саволларга узил-кесил жавоб беролмаймиз. Бироқ, шуниси аниқки, адабиётимизга янги-янги шаклларни дадил олиб кириб, улар-нинг миллий заминда ўзлашиб қолиши йўлида астойдил ҳаракат қилган Чўлпон мумтоз адабиётимизда мавжуд шакллардан унумли фойдаланиш йўлларини ҳам изла-ган. Эҳтимол, юқорида кўрилган шеърлар шоирнинг шу йўлдаги уринишлари натижаси бўлса ажаб эмас.

«Сезги» номли шеърида ҳам шоирнинг шакл бора-сида жддий изланганини кузатишимиз мумкин. Мазкур шеър «Галдир» каби арузнинг рамал баҳрида, рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилгандир:

*Боғ-ча-лар-да сўл-ди гул-лар—сўл-ди гул-лар,
сез-ма-дим.*

*Қип-қи-зо-риб от-ди кун-лар—бот-ди кун-лар,
сез-ма-дим.*

*Қай-да қол-ди қон-ли кин-лар—қон-ли кин-лар,
сезмадим.*

— у — — — у — — — у — — — у — —
Соч-ла-ринг боғ-лаб о-либ—боғ-лаб о-либ-дир сез-ги-ни
— у — — — у — — — у — — — у — —

Эътибор беринг: ҳар бир мисранинг ҳашв (яъни, ўртадаги) рукнлари ўзаро қофиядош ва айни пайтда дастлабки уч мисрада ҳашвлар бир-бирига қофиядош бўлиб келаётир. Чўлпон бу хил оҳангдошликка кўпроқ тоқроқлар ҳисобига эришган. Банддаги мисраларнинг айни шундай қофияланиши шеърнинг учинчи бандида ҳам кузатилади. Табиийки, бу нарса шеърнинг равон ўқилишини, хушоҳанг жаранг топишини таъминлайди. Шеърнинг жанри масаласига келсак, Чўлпон мураббаъ жанрининг а-а-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б тартибида қофияла-нувчи шаклидан фойдаланган. Юқоридаги шеърлар Чўлпон мумтоз адабиётимиздаги шеърый шаклларни давр талабига мослаган ҳолда қайта жонлантиришни, фаоллаштиришни истаган, шу йўлда ижодий изланган дейишимизга имкон беради.

Бунгача юритган мулоҳазаларимиз Чўлпоннинг 1927 йилга қадар ёзган шеърлари устида борди. Ҳаётининг сўнгги ўн йилини шоир тўхмату маломат тошларига нишон бўлиб, муттасил хавф-хатар остида яшаб ўтказишга мажбур бўлганини аввалги бўлимда айтдик. Чўлпоннинг бу даврда матбуотда жуда кам қатнашганини ҳам айтгандикки, ҳаётининг сўнгги ўн йили мобайнида ёзган шеърлари бизга, асосан, «Соз» тўплами орқалигина танишдир. Албатта, шоир мазкур тўпламга кирита олмаган, кўнглини бўшатиш учун ёзилган шеърлари ҳам бўлгандир, бироқ унинг қўлёзмалари ҳам ўзи билан бирга қатағон қилинганидан, бу ҳақда дадил бир гап айтишдан ожизмиз. Шу ўринда айтиш керакки, «Соз» тўпламига таянган ҳолда баъзан Чўлпонни замонасозликда айблашларга дуч келамизки, ўйлашимизча, бу адолатдан эмасдир. Сабаби, шоир ижодининг бир томонинигина билган ҳолда унга тугал баҳо бериш мумкин эмас. Зеро, Чўлпон «Соз» тўпламига мажбурийат орқасида ёзилган, ўзи Қурултойда ваъда берганидек, «хатоларини ишчи-деҳқон кўнглидан кетказиш»ни кўзлаб битилган шеърларини киритган эди. Мажбурият орқасида ёзилган шеърларини тўплам қиларкан, ундаги илк шеърда Чўлпон ўқувчисига мурожаат қилиб:

*Бир неча йил қантаргач,
Яна олдим созимни,
Энди айтиб йиғламас,
Кўнгилдаги розимни,—*

деб ёзган эди. Ўйлашимизча, Чўлпон бу ўринда ўқувчиларига айтмоқчи бўлган «кўнгил роз»лари борлигию, уларни айтиш имконидан маҳрумлигини билдиради, бунинг учун ўқувчиларидан узр сўрайди. Тўламнинг илк шеърдаги шу хил узрхоҳликлардан сўнг октябрь инқилоби берган «ҳурликни» куйловчи, колхоздаги бахтиёр турмушни тасвирловчи «халқлар отаси» Сталинни «орамизда энг яхшимиз ва энг сарамиз» дея мадҳ этувчи... шеърларини жойлаштиради. Чўлпон бунга мажбур эди, зеро, уни миллионлар каби ўйлаш ва сўйлашга маҳкум этгандиларки, шоир миллионлардан бири эканлигини ҳар вақт кўрсатиб туриши лозим эди.

Биз «Соз» тўпламидаги шеърлардан бири—1934 йилда, Ўзбекистон ССР ташкил топганининг 10 йиллигига бағишлаб ёзилган «Диёрим» шеърига тўхталмоқчимиз. Шеърнинг лирик қаҳрамони — юртнинг ўтмиши ҳақи-

да ўйга толган, ўша ўтмиш муҳотида бугунги кун ҳақида мушоҳада юритиб, ўзгаришлардан боши осмонга стаёзган одам — 30-йиллар адабиёти учун типик ҳодиса саналарди. Бироқ, лирик қаҳрамон билан шоир қарашлари доим ҳам бир-бирига мос келмайдики, шеърни таҳлил қилганда бунга эътибор бериш лозим. «Диёрим» шеърининг илк бандига диққат қилайлик:

*Титилиб йқилмас бўлганда тарихинг,
Ҳасрат-ла аламга тўлганда тарихинг,
Ҳазоннинг баргидек сўлганда тарихинг —
Қўзимнинг нурини тўкиб йқидим.*

Гап тарихимизнинг ҳасрат-ла аламга тўлган» даври, шон-шавкатдан мосуво сўнгги асрлари ҳақида борадики, бу ўринда лирик қаҳрамон ва шоир қарашлари мос келади. Чўлпон юртининг ўтмишда «ер юзинда ўз бошли, Улуғ, шонли маданият туғдирган» («Шарқ нури»), Шарқ оламида пешқадам бўлганини жуда яхши билар ва бундан ифтихор қиларди. Айни пайтда, у «сўнг даврда йўқсил Шарқнинг тарихи бир бет бўлсин оқ сатрни кўрмаган» («Шарқ нури»)лигини, «эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар тузуккина чора-тадбир кўрмаган» («Ёруғ юлдузга»)лигини алам билан тан олган. Шоир эсини танибдики, юртининг кўҳна ўтмишдаги шон-шавкатию улуғворлигини тиклаш орзуси билан яшаган, мақолаю шеърларида буюк боболарнинг илм-фан, маданият, давлатчилик бобида эришган натижаларни елга совурган «сўнг замонлар»дан асосли нолиган эди. Агар Чўлпон қарашлари шу хил бўлганини эътиборга олсак, лирик қаҳрамоннинг: тарих саҳифаларидан бирон «зарварақ» топилмайди, юрт тарихи «беҳуда шуҳратлару шонлар таърифидан» иборат, деган даъволари тўлалигича унга тааллуқли бўла олмаслиги англашилади. Ёки лирик қаҳрамон фуқаронинг ўтмишдаги ҳақ-ҳуқуқсиз, аянч аҳволидан нолиркан, эндиликда аҳвол яхшиланганини айтмоқчи бўлади. Ахир, ўзи ҳам шу фуқаронинг бири бўлган, ўн йиллаб бўғзи тузум чангалида маҳкам бўғиб келинаётган Чўлпон шу фикрни айта оладими?!

Қўрамизки, иккинчи банддан бошлабоқ лирик қаҳрамон ва шоир орасидаги масофа тобора узоқлашиб боради. Хусусан, буни қуйидаги бандда кўришимиз мумкин:

*Бемаъни тарихни ёндирди инқилоб,
Сен қўйган талабни қондирди инқилоб,*

*Қарғалган кечмишдан тондирди инқилоб—
Келажак меҳрини кўнгилга жо айлаб!*

Бу банднинг учинчи мисрадаги «дир» қўшимчасигина шоирнинг ич-ичидан келаётгандек туюлади бизга. Эътибор берилса, «ёндирди — қондирди» сўзларида феълнинг аниқлик нисбати қўшимчаси бўлиб келаётган «дир» учинчи мисрада орттирма нисбат қўшимчаси бўлиб келаётгани кўрилади. Яъни, орттирма нисбат иш-ҳаракатнинг биров томонидан бажартирилганини ифодалашини эътиборга олсак, бу иш-ҳаракатнинг бажарилиши бажарувчи ихтиёрига боғлиқ эмаслиги англашилади. Демак, Чўлпон, инқилоб оммани ўтмишдан тондирганини таъкидлайди. Шу ерда савол туғилиши мумкин, ахир шоир ўтмишнинг баридан эмас, «қарғалган» ўтмишдан тондирилганини айтмоқда-ку?! Эҳтимол, бу хил эътирозда жон бордир. Бироқ, яна эътибор қилинг: «қарғалган», яъни, мажҳул нисбатдаги феъл шакли ким томонидан қарғалганлигини аниқлаш имконини бермайди. Шеърнинг кейинги бандида бу нарса бир қадар аниқлаштирилади: «Маъқулдан инқилоб ҳеч қачон тонмади». Демак, инқилоб ўзи қоралаган кечмишдан кечди ва ўзига маъқулини олди. Лирик қаҳрамон «шоирлар, адиблар, ҳакимлар ёнмади» дегани билан, Чўлпон, ўша пайтларда ўзи ҳам «номаъқул»лар қаторида бўлиб қолган шоир, маданий меросимизнинг қайси томони ёнмаётганини жуда яхши биларди. Моҳият эътибори билан шунга ўхшаш ҳол тубандаги бандда ҳам кузатилади:

*Диёрим, каттакон рўзғорда бир тансан,
Қандай жой, нима иш—хўп яхши билгансан,
Дунёга янгидан туғилиб келгансан,
Ун йилда бошқатдан ясанди тарихинг!*

Ўйлашимизча, бу сатрларда шоир юракдан айтаётган сўзлар сифатида «хўп яхши билгансан» бирикмасини кўрсатиш мумкин. Бирикманинг кинояга монанд талаффуз этилиши дастлабки икки мисранинг маъноси-ни буткул ўзгартириб юбориши мумкин. Яъни, у ҳолда шоир юртнинг «қандай жой»ни эгаллашию «нима иш» қилиши белгилаб қўйилганига, эрки ўзида эмаслигига ишора қилаётгани сезилади. Агар кинояли талаффуз қилинмаса, лирик қаҳрамон ифодаляётган тарихий тақдирдан миннатдорлик ҳисси ҳам келиб чиқаверади. Албатта, биз, Чўлпон ўн йиллик тарихда юз берган ижо-

бий ўзгаришлардан кўз юмган, улардан қувонмаган, деган даъводан йироқмиз. Зеро, Чўлпон ҳам қувонган, бироқ, юз бераётган ҳодисаларнинг барини «ура» билан кутиб олаётганлардан фарқли ҳолда бу ўзгаришлар тубидаги маддалай бошлаган яраларни ҳам кўра билган. Шу боис шеърида ҳам, ҳаётдаги каби лирик қаҳрамон «ура!»лари остидаги ўша яраларни очиб кўрсатган.

Абдулҳамид Чўлпон ҳақли равишда ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи, янги ўзбек шеъриятининг тамал тошларини қўйган ижодкор саналади. Унинг ижодий тажрибалари шеъриятимизнинг мазмун ва шакл томондан бойишига ижобий таъсир кўрсатдики, ундан сўнг адабиёт майдонига кириб келган аксарият ёшлар учун бир мактаб бўлиб хизмат қилди. Албатта, Чўлпоннинг барча тажрибаларини бирдек муваффақиятли деб бўлмаганидек, ҳамма асарларини ҳам дурдона санаш хато. Бироқ, Чўлпоннинг ижодий изланишларини давом эттириш, ишонамизки, шеъриятимизнинг равнақи учун катта фойда келтиради. Зеро, у тугатолмаган ишларни тугатиш, қиёмага етказолмаган бадиий топилмаларини сайқаллаш ёш шоирларимизнинг маънавий бурчи ҳамдир. Чўлпон шеъриятида халқимизнинг яқин ўтмиши худди кўзгудагидек акс топганки, унинг асарларини ўқиш ўтмишимизни, ўзлигимизни танишимизда муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

«КЕЧА ВА КУНДУЗ» ҲАҚИДА

Романининг яратилиши. 30-йилларнинг бошида Чўлпон «Кеча ва кундуз» романига қўл урди. Муаллиф ишига кўра, «Кеча ва кундуз» дилогия сифатида режалаштирилган бўлиб, унинг биринчи қисми—«Кеча» романи 1936 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилган эди. Романнинг иккинчи қисми—«Кундуз»нинг ёзиб тугатилгани-ю нашриётга топширилгани ҳақида гаплар юрса-да, уларни тасдиқловчи ҳужжатларга эга эмасмиз. Фақат бир нарсани аниқки, Чўлпон ҳибсга олинганида уйдан олиб кетилган нарсалар орасида «ҳали тугалланмаган роман қўлёзмаси» ҳам бўлган. Ўйлашимизча, ана шу қўлёзма «Кундуз» романи қўлёзмаси бўлиши эҳтимолли ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Афсуски, қўлёзманинг кейинги тақдири ҳақида ҳам ҳозирча ҳеч бир маълумотга эга

эмасмиз. Шу боис ҳам адабиётшунослигимизда «Кеча ва кундуз»ни тугалланмаган асар санаш лозимми ёки тугалланган дебми», деган масалада турлича қарашлар бор.

Чўлпон «Кеча» романини Москвадалик пайтида якунлагани ҳақида маълумотлар бор, сираси, адибнинг 1937 йил апрелида Ёзувчилар уюшмасида айтган гапларидан ҳам шу нарса англашилиб туради. Адиб билан Москвада борди-келди қилиб турган Ю. Мақсудов ва В. Рашидовларнинг хотираларида «Кеча»нинг тугалланган вақти турлича кўрсатилади. Ю. Мақсудов Чўлпон бу романни 1934 йилда тугатганини айтса, В. Рашидов 1933 йил куз ойларида адибнинг уйида меҳмон бўлганларини эслаб: «Бизга чой бериб, қўлига ёзилган варақларни олиб, «Мен «Кеча ва кундуз» деган роман ёзаётибман, ҳозир «Кеча»ни тугатдим. Яна бир кўриб чиқишим қолди, мана 3-4 саҳифасини ўқиб берай», деб қўлидаги қўлёзмани ўқий бошлади. Ўқиш бир жойга борганда, ҳар учовимизнинг ҳам миямизда «бу роман дунё юзини кўрармикан?» деган савол кўндаланг турарди. Биз Чўлпоннинг фикрини сўраганимизда, у сукутга кетиб, «Билмадим, рухсат берармиканлар, ёки шунча ёзилган шеърларим сингари қаерларда қолиб кетармикан», деб қўйди»¹,— деб ёзади. В. Рашидов хотираларида Чўлпоннинг шу йил охирларида Москва сафарида бўлган А. Икромовга роман қўлёзмасини ўқиш учун бериб юборгани ҳам айтилади. Чамаси, Чўлпон «романининг дунё юзини кўриш ё кўрмаслиги»ни кўп жиҳатдан А. Икромов фикрига боғлиқлигини яхши ҳис қилган, унинг қўллаб-қувватлашини истаган. Ўйлашимизча, В. Рашидовнинг хотираларида келтирилган сана ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Чунки, «Кеча»нинг Ўзбекистон ССР ташкил топганининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда қатнашгани ва рағбатлантирилгани ҳам шундан далолат беради. Чунки, Чўлпондек номи қора рўйхатларга тиркалган адибнинг танловда қатнашиши учун каттароқ раҳбарнинг аралашуви зарур эдики, чамаси, А. Икромов бунда муайян роль ўйнаган кўринади. Танловнинг 1934 йилда ўтказилгани эътиборга олинса, романининг В. Рашидов айтган муддатларда тугатилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқлиги англашилади.

¹ Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент, 1994, 211—212-бетлар.

Чўлпон бу романни ёзгунга қадар машаққатли ижодий изланишлару маънавий-руҳий коллизияларга бой йўлни босиб ўтди. Адабиёт майдонига эндигина қадам қўйган чоғларидаёқ адиб дилида роман ёзиш орзуси бор эди. Ун етти ёшида ёзган «Муҳтарам ёзгучиларимизга» номли мақоласида Чўлон: «Ҳали бизга кўб тиётр ва рўмон китоблари ёзмоқ керакдурки, бу қарз бир ҳовуч зиёли ёшларимиз ила аҳли қаламимиз устларига тушадир»¹, деб ёзгандики, бунда гарданига роман ёзиш ва сифаси юкланаётганлар сирасига ўзини ҳам қўшаётгани равшан. Ёш адибни романнинг ижтимоий муаммоларни кенг кўламда қўйиш ва бадийий идрок этиш имкониятлари кенглиги ўзига тортган бўлса эҳтимол. Иккинчи томондан, бадийий адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини ошириш ва унинг воситасида ғафлатда қолган миллатдошларини уйғотиш мақсадини кўзлаган Чўлпон учун роман янги типдаги адабиётнинг рамзидек кўринган чоғи. Унинг бу хил фикрга келишида жадид маърифатпарварларининг катта таъсири бор, албатта. Айни пайтда, ёш адиб маънавий устозларининг фикрлари тўғрилигига ўз ҳаётини тажрибасида амин бўлган кўрилади.

Чўлпоннинг айрим ҳикояларини ўқиганда, адиб кичик жанр доирасига сифмаётгандек, айтмоқчи бўлган гапларини айтолмай қолаётгандек таассурот қолади кишида. «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясидаёқ адиб қиссабоп, эҳтимолки, романбоп материални ҳикояга сифдирмоқчи бўладики, натижада шу билан боғлиқ қатор жиддий қусурлар юзага келади. Кейинроқ, ижодий тажрибаси анча ортган пайтда ёзилган «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» ҳикояларини ўқиганда ҳам, гарчи маҳорати қайралган адиб энди жиддий қусурларга йўл қўймаган бўлса-да, ўқувчида юқоридагича таассурот қолади. Булар Чўлпоннинг каттароқ эпик жанрларга ўтиш учун ижодий-руҳий жиҳатдан етилиб қолганидан далолат беради. Дарвоқе, адибнинг 1931 йилда «Ёв» номли қисса ёзгани ҳақида маълумотлар бор. Афсуски, мазкур қиссанинг тақдири бизга маълум эмас, акс ҳолда Чўлпоннинг роман ёзишгача ўтган йўлини изчил кузатишимиз мумкин бўлур эди.

Чўлпоннинг романнавис сифатида шаклланишида унинг драматургия соҳасидаги изланишларининг катта

¹ Чўлпон. Адабиёт надир? 38- бет.

аҳамияти бор. Маълумки, кўп мутахассислар романи ўзида ҳар учала адабий турга хос хусусиятларни уйғунлаштирувчи синтетик жанр деб ҳисоблайдиларки, бу хил қараш жиддий асосга эга. «Кеча» романининг бошларида кузатилувчи сюжет ривождаги драма сюжетига хос шиддат, қаҳрамонлар руҳиятини очишда кузатилувчи драмага хос усуллардан кенг фойдаланилгани, диалогларнинг юксак маҳорат билан яратилгани фикримизнинг далилидир. Айни пайтда, Чўлпон рус ва Европа адабиётидан таржималар қиларкан, улардан ижодий таъсирлангани, ўргангани табиий. Шу маънода, «Кеча ва кундуз»га Чўлпоннинг шеърият, наср, драматургия, таржима соҳаларидаги изланишларининг маҳсули, уларда эришган ютуқларини ўзида мужассам этган асар деб қарашимиз мумкин.

Муаллифнинг гоъвий-бадний нияти ҳақида. Юқорида айтдикки, Чўлпон романи 30-йиллар бошида — матбуотда ўзига қарши хуружлар янада кескинлашган, ҳайбатли суд жараёнларида навбат ўзига келаётганига ишоралар қилинган, тинчроқ яшаш ва, муҳими, омон қолиш учун Москвага бориб яшашга мажбур бўлган бир пайтда ёзишга киришган эди. Бу пайтга келиб шўро ҳукумати ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб улгурган, жамики хунрезликлар — қулоқларни синф сифатида тугатиш дейсизми, ишлаб чиқаришдаги зараркундаларни фош этиш дейсизми, партияни ёт унсурлардан тозалаш дейсизми ... — бари омманинг ризолиги ва қўллаб-қувватлашлари остида амалга оширилаётган бўлганди. Бу пайтга келиб большевик мафкуранинг имкониятлари шунчалар кенгайдики, миллионлаб жонли гувоҳлар ҳаёт бўлганлари ҳолда атиги ўн беш-йигирма йиллик социалистик ватан тарихи қайта ёзилаётган эди. Бош тарихчи Сталиндан андоза олиб ёзилган бу тарихга кўра, СССР халқлари учун ягона тўғри йўл — социалистик инқилоб йўли эди, зеро, бу инқилоб ўша даврда ижтимоий-тарихий зарурият сифатида амалга ошган эди... Инқилоб арафасида большевиклардан бошқа биронта ҳам халқ манфаатларини кўзлаган фирқа бўлмаган. борлари ҳам тор синфий манфаатлари учун курашган. Туркистон большевиклари маҳаллий халқларни ҳам рус, ҳам маҳаллий эксплуататорлардан озод қилиш учун фидокорона курашган, социалистик инқилобни пухта ҳозирлаган ва амалга оширган эдилар... Қўқон мухториятининг асосий мақсади маҳаллий

халқларни қайтадан буржуазия асоратига солиш эди... Жадидлар миллий буржуазиянинг ялоқхўрларигина эдилар... Босмачиларнинг асл нияти Туркистонни инглизларга сотиш эди... — тарих шу эди. Бу тарихга сингишмай турганлар йўқотила бошланган, ҳозирча омон қолдирилганлари яқин келажакда йўқотилмоқчи эдилар. Энг даҳшатлиси — қўлбола партада бутун вужуди қулоқ бўлиб ўтирган болакайлар воқеа-ҳодисаларнинг жонли иштирокчиси бўлмиш оталарига эмас, бошланғич маълумотни олиши биланоқ комсомол томонидан тарбия фронтига сафарбар этилган муаллимларига кўпроқ ишонардилар... — Чўлпон романга қўл урган пайтдаги вазият тахминан шундай эди.

Тарих шу тахлит юзсизларча сохталаштирилаётган бир пайтда ҳаёти қил устида турган Чўлпон ўтмишга мурожаат қилди, большевистик мафкура учун муҳим давр — инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигини бадий идрок этишу тасвирлашга жазм этди. Модомики, ҳаёти жиддий хавф остидалигини билгани ҳолда шу қалтис мавзуга қўл урибдими, демак, Чўлпон бундан қандайдир мақсадни кўзлаган. Равшанки, мавжуд шароитда Чўлпон қаршисида иккитагина йўл бор эди:

— биринчиси: ўтмишни большевистик мафкурага мос тарзда тасвирлаш, сохта тарихга бадий безак бериш ва бу билан «хатоларини ишчи-деҳқон кўнглидан» буткул кетказиш, янги ҳукуматнинг ўз кишилари қаторидан ўрин олишу азоб-уқубатлардан биратўла қутулиш;

— иккинчиси: ўзи босиб ўтган йўлга йигирма йил юксаклигидан яна бир бор назар солиб, юртининг ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини — бу йўлдаги адашишларни бадий идрок этиш, ўзи англаган ҳақиқатни борица кўрсатиш ва тақдирга тан бериб, бошини ихтиёрий равишда кўндаланг қўйиш.

Хўш, Чўлпон бу икки йўлнинг қай биридан борди? Ҳамма гап шундаки, чинакам истеъдод эгаси сифатида адиб бу икки йўлнинг ҳеч биридан юрмади — тамомила янги йўлни очишга интилди. Яъни, жўнлаштириб айтсак, Чўлпон «сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» қабилида йўл тутдики, айна шу нарса «Кеча» поэтикасининг ўзига хослигини белгилади. Худди шеърларида кўрганимиздек, Чўлпон «Кеча»да ҳам ўзи айтмоқчи бўлган гапларни асар қатига сингдириб юборди. Роман имко-

ниятларидан фойдаланиб, адиб кўп фикрларини тасвир воситасидагина ифодалади, яъни, у тасвирлади холос, мушоҳада юритишу хулоса чиқаришни ўқувчининг ўзига ҳавола қилди. Маълумки, бадиий асар мазмуни кўп қатламли ҳодиса. Бу қатламлар орасида иккитаси—энг муҳим ва туб эстетик қатламлар универсал характерга эга. Энг муҳим қатлам дейилганда асарнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти тушунилади, у бевосита асар яратилган даврнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига қаратилади. Чўлпон шароит тақозоси билан шу қатламнинг ўзини ҳам икки қатламга ажратиб юборди: бир — юзадагиси, большевистик мафкура оғуси билан заҳарланган китобхон учун, иккинчиси—тубдагиси, мустақил фикрлай ола биладиган ўқувчи учундир.

Чўлпон «Кеча ва кундуз» устида қизғин ишлаётган, «Кеча» романи ҳали чоп этилмаган бир пайтда—1935 йилда эълон қилинган «Қизиқлар» номли мақоласида: «Подшоҳлар, султонлар, хонлар ва бекларнинг қамчиларидан қон томган замонларда, халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда, халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини биронта сарой ёки халқ қизиги чиқиб ҳазил йўли билан едириб юборар эди»¹,—деб ёзади. Ўтмиш баҳона замонасига топиб баҳо берган Чўлпон, аynи пайтда, ўзининг ижодий қарашларига ҳам ишора қилади, ўқувчиларга ўзининг асарини англаш учун калит беради гўё. Зеро, Чўлпон ҳам «Кеча» да «мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини» ўз йўли билан едириб юборган эди. Албатта, адиб ҳушёр мафкурачиларнинг барини лақиллатиб кетаман, деб хомтама бўлган эмас. Зеро, тегишли жойларда зийрак ва закий кишиларнинг кўплигини жуда яхши билган. Ўзини ўртаган дардларни «йўлини қилиб» бўлса-да, ошкор этаркан, бунинг учун ўша қизиқлардан «боши кетиши» ёки «оқуйлик қилиниши» (бадарға қилиниши) мумкинлигини жуда яхши билган. Бироқ, у яна шуни ҳам билганки: «Фақат уларнинг (қизиқларнинг — Д. Қ.) оғизларидан чиққан буюк ҳақиқатлар ҳақиқатгўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби халқ кўнглига ёзилиб қоларди, мучаллардан-мучалларга кўчарди». Кўрамизки, Чўлпон ҳақиқатга содиқ қолишни ҳар недан устун кўя-

¹ Чўлпон. Адабиёт надири? 116—116- бет.

ли, фақат ҳақ сўзгина дунёда мангу қолнишига, ҳақ сўз-ни айтолган санъаткоргина халқ дилидан абадий жой ола билишига ишонади. Айни шу ишонч Чўлпонни бо-шини кундага қўйиб бўлса-да, ҳақиқатдан чекинмас-ликка ундайди.

Энди Чўлпоннинг ғоявий-бадий нияти масаласига қайтсак. «Кеча»нинг 1936 йилдаги нашрига Чўлпон рус адаби Максим Горькийнинг тубандаги сўзларини эли-граф қилиб олган эди: «Маърифат чоғиштириб кўриш билан ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганла-рини ҳеч нима билан чоғиштиролмайдилар, улар **кеч-мишни билмайдилар ва шунинг учун ҳозирги замоннинг нималигини** етарли даражада очиқ англаёлмайдилар (таъкидлар бизники — Д. Қ.)». Бу сўзлар, бир томон-дан, Чўлпон учун ҳимоя воситаси эди, яъни, у ўтмиш-ни—«Кеча»ни ёшлар ҳозирги замоннинг қадрига етсин-лар деган ниятда тасвирлайди. Иккинчи томондан, бу сўзлар муаллифнинг ғоявий-бадий ниятини очувчи ка-лит ҳамдир. Зеро, Чўлпон сохта тарих миёсига сингди-рилиб манқуртга айлантирилаётган ёшлар «ҳозирги за-моннинг нималигини етарли даражада очиқ англасин-лар» учун «Кеча»ни яратганини айтаётир.

Романнинг ғоявий мазмуни ҳақида. Юқоридаги му-лоҳазаларимиз ўз-ўзидан бир саволни келтириб чиқа-ради: хўш, Чўлпон «ёшлар ҳозирги замоннинг нимали-гини англасинлар» учун тасвирлаган ўтмиш сохта та-рихдан расмий нуқтаи назардан нимаси билан фарқ-ланар эди? Юқорида айтдикки, большевиклар инқилоб арафасидаги Туркистонда асосий ижтимоий қарама-қар-шилиқлар — эзувчи ва эзилувчилар синфи орасида эди, деб уқтирган эдилар. Чўлпон романида эса, бунга зид ўлароқ, асосий ижтимоий қарама-қаршилиқ феодал асослар билан шаклланиб келаётган миллий буржуазия орасида ётади. Бу қарама-қаршилиқни адиб Акбарали билан Мирёқубнинг мураккаб ўзаро муносабатларини тасвирлаш орқали моҳирона кўрсата билган. Акбарали-нинг ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий нўноқлигини, Мир-ёқубнинг, аксинча, ҳар иккисида ҳам омилкорлигини тасвирларкан, адиб, бир томондан, феодал асосларнинг чириб битганини, иккинчи томондан, миллий буржуазия-нинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий истиқболга эга бўлга-нини кўрсатади. Омманинг инқилобий фаоллиги роман-да деярли акс этмаган, меҳнаткаш халқ ижтимоий-сиёсий ҳаракатдан буткул йироқ кўрсатилган. Тўғри, Қумариқ-

даги исён гўё романга биров инқилобийлик олиб кирадигандек. Бироқ, бу ғалаён ҳам, Чўлпон тасвирида, синфий курашдан тамом бошқа нарсa. Зерo, деҳқону коcибларнинг ғазaби эзувчилар синфига эмaс, шахсан Ёдгорхўжаю Умаралибойга қаратилгандир. Албатта, бу саҳналарда Чўлпон чин дилдан меҳнаткашлар томонидa туриб, инсофу адолат ҳиссидан маҳрум бойларни қоралайди. Лекин, айни пайтда, омманинг қўзғалиши ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан онгли ҳаракат эмaс, балки бойлардан бирининг шалоқлик билан «хотинталоқлар» дея ҳақоратлаши билан бошланган ғалаён эканлигини тасвирлайди. Яъни, бу ўринда адиб омманинг сабр косаси тўлганлигини инкор қилмайди, бироқ бу ғазабнинг ушштирилган ҳолда муайян мақсадга йўналтирилиши учун ҳали шароит етилмаган деб ҳисоблайди. Большевиклар ўз фирқаларининг инқилоб арафасидаги фаоллигию оммани курашга уюштирганини даъво қиладиларки, юқоридагича тасвир бу даъволарни чиппакка чиқариши табиий эди. Энг қизиғи, романда Чўлпон большевикларни ҳатто тилга ҳам олган эмaс. Бунга зид ўларoқ, жадидчилик ҳаракатининг кенгайгани, жадидчилик ғояларининг анча кенг ёйилганини кўрсатади: Мирёқуб, Ҳакимжон, Ҳасанов, романда ўзи кўринмайдиган Абдисамат мингбоши — буларнинг ҳаммаси шу ғояга у ёки бу даражада берилганлар; прокурорнинг суддаги нутқида мазкур ҳаракатдан жиддий хавфсираш яққол сезилади. Боз устига, жадидчилик ҳаракати кескин қоралана бошланган бир пайтда Чўлпон Шарафутдин Хўжаев тили билан унинг мақсад-моҳиятини ҳолис баён қила билди. Романдаги ижтимоий-маънавий ўса бошлаган ягона қаҳрамон — Мирёқубнинг жадидларга яқинлашуви ҳам бежис эмaс, албатта. Зерo, адиб талқинича, инқилоб арафасидаги Туркистонда жадидчилик ҳаракатидан ўзга жиддийроқ бир ижтимоий-сиёсий куч мавжуд эмaс эди.

Юқоридаги мулоҳазаларимизга таянган ҳолда айтиш мумкинки, юртининг ўтмишига йигирма йил юксаклигидан назар солган Чўлпон «Кеча» романида октябр инқилобининг амалга ошиши ижтимоий-тарихий зарурият эмaс, балки давр талотўпларининг ҳосиласи эканлигини, халқини чинакам саодатга элтиши мумкин бўлган йўл бошқа бўлганлигини ўзи учун яна бир қарра тасдиқлаб олди-да, ўзи англаган ҳақиқатни йўли билан ўқувчисига етказишга интилди. Адиб ўсиб келаётган ав-

лоднинг юз бераётган ҳодисалар моҳиятини англашиш, манқуртга айланмаслигини истаганки, «чоғиштириш орқали» маърифат ҳосил қилиш имконини яратиб берди.

Романда «ниқобланиш» усуллари ва воситалари. Юқорида айтганимиздек, сўз эркинлиги бўлган муҳит шароити «Кеча» романи поэтикасини кўп жиҳатдан белгиллаган эди. Ўзи айтмоқчи бўлган гапларни йўли билан айтиш Чўлпон учун эҳтиёт чорасигина эмас, асарнинг дунё юзини кўриши учун зарурий шарт ҳам эди. Биз «ниқобланиш» деган атамани 30-йиллар матбуотидан ўзлаштирар эканмиз, уни энди салбий маънода қўллаш фикридан йироқмиз. Зеро, 30-йилларда ниқобни «фош этиш» ниятида кўтарган бўлсалар, биз адибни англаш, асар маъносига чуқурроқ кириб бориш учунгина шундай қиламиз. Яъни, биз «ниқоб»ни поэтик воситалардан бири сифатида қабул қиламиз.

«Кеча» ҳақида, адиб гарчи ҳибсга олинган бўлса-да, ҳали ҳаётлик чоғида эълон қилинган ягона тақриз муаллифлари ёзадиларки: «Чўлпон жадидларни тасвирлаганида ниқобланади, жадидларга тўғридан-тўғри ўз тилидан характеристика бермасдан, бу вазифани асардаги кишиларга юклайди. Чўлпоннинг қаҳрамонлари жадидларни мақтаб, кўкларга кўтаради»¹. Дарҳақиқат, Чўлпон романида жадид Шарафутдин Хўжаев пайдо бўлиши билан гўё ўзини четга олади: романнинг бу эпизодлари Мирёқуб ва Марям кундаликлари воситасида жонлантирилади. Тақриз муаллифлари ҳақлар, чунки Чўлпон бу усулни онгли равишда, муайян мақсадни кўзлаб қўллаган. Агар адиб, тақриз муаллифлари истаганидек, жадидларга «тўғридан-тўғри ўз тилидан характеристика бер»ганида, унинг учун ягона йўл — жадидларни шўро ёзувчиси сифатида қоралашгина қолар эди. Бу эса, табииyki, Чўлпоннинг ғоявий-бадий ниятига тамоман зид эди, чунки у жадидлар ҳақида ўқувчига имкон қадар ҳолис маълумот беришни ният қилганди.

Гап ниқобланиш воситалари ҳақида борар экан, аввало, асарнинг номланишига тўхталишимиз лозим эди, албатта. Маълумки, 30-йиллар адабиётида энг оммалашган бадий қурилма «инқилобгача — инқилобдан сўнг» тарзида бўлиб, у ўтмишни қоралаш орқали замонани алқаш мақсадига хизмат қилган эди. Чўлпоннинг

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 6 август.

асари икки қисмдан иборат экап, биринчи қисмда инқилоб арафасидаги ҳаёт тасвирлансаю «Кеча» деб ном берилса, иккинчи қисмда инқилоб ва ундан кейинги йиллар қаламга олинаиб «Кундуз» деб аталса, демак, адиб янги тузумнинг афзалликларини ахийри англаб етиб шўро позициясига ўтибди-да, деган фикр туғилади. Чўлпон учун социалистик ватанпарварлик руҳида тарбияланган ўқувчи ва зийрак мафкура хизматчиларида айни шу хил фикрни ҳосил қилиш муҳим эди. Демак, сарлавҳага адибнинг ўзи юклагочи бўлган тағдор маъно ҳам бўлиши лозим. «Кеча»нинг шу хил иккинчи маъносини англашга уриниб кўрайлик. Хўш, Чўлпон «кеча»га қандай маъно юклайди яна? Бизнингча, адиб юртдаги маънавий қашшоқланишни юзага келтирган ва унинг ҳосиласи сифатида янада биқиқлашган муҳитни «кеча» деб баҳолайди. Чўлпон талқинидаги «кеча»нинг бутун даҳшати шундаки, у одамларни маънан мажруҳ қилади, маънавий таназзулга етаклайди. Уша муҳит «беш-тўрт таноб ерли», ўзига тўқ, Хадичахон билан дурустгина турмуш кечириши мумкин бўлган Акбаралини фаҳш ботқоқига ботирди; етти авлоди деҳқончиликдан нон еган Раззоқ сўфини текинхўр кимсаю мунофиқ диндорга айлантирди; Пошшахону Султонхондек бемалол бир уйни обод, бир йигитни бахтиёр қилиши мумкин бўлган гулдек аёлларни зино кўчасига бошладн... Буларнинг маънавий қашшоқлашиши шу даражадаки, улар муҳитни соғломлаштириш ҳақида ўйламайдилар, шу муҳит доирасида ўз манфаатларини кўзлайдилар, холос. Юрт бошида «бенамоз раислар», имони заиф имомларнинг туриши раиятга таъсирсиз қолмаган: «одамлар намозга юрмай қўйганлар». Миллатнинг фожиасини Чўлпон айни шу эътиқодсизликда кўради: одамлар на охиратини обод қилишни ва на фоний дунёдаги турмушларини яхшилашни ўйлашади — бугуннинг ташвиши билан яшашади, холос. Жоҳилият даврлари азалдан «зулумот» деб таърифлангани каби, Чўлпон ҳам тарихимизнинг шу бўлагини «кеча» деб атайди. Бу зулумот қўйнидан ёруғлик томон интила бошлаган ягона одам — Мирёқуб, шу маънода «кундуз»нинг туб маъноси ҳам шу қаҳрамонга боғланса эҳтимол. Афсуски, бу фикримиз тахминдан бошқа нарса эмас... Сарлавҳанинг зоҳирий маъноси эса, табиики, Зеби орқали халқ ҳаётига боғланади ва асардаги туб маъноларни ниқоблайди.

«Кеча»даги туб ниятни пардалашга хизмат қилувчи

носиталардан яна бири сифатида романнинг сюжет қурилишини кўрсатиш мумкин. Роман воқеаларининг битта асосий ўқ — Зеби билан боғлиқ сюжет чизиғи тева-рагида жамлангани учун ҳам, адиб ўзини қизиқтирган масала сифатида Зеби тақдирини, умуман, хотин-қизлар тақдири масаласини тақдим қилиш имкониятига эга бўлади. Ҳолбуки, Зеби марказда турган сюжет чизиғи тўйдан сўнг иккига тармоқланиб, бирининг марказига Мирёқуб, иккинчисининг марказига Акбарали чиқади. Акбарали билан боғлиқ воқеалар Зеби чизиғини узуқ (пунктир) чизиқлар билан бўлса-да, давом эттириб туради, роман ниҳоясида яна Зеби олдинги планга чиқарилади. Бу нарса ўқувчини асарнинг марказида Зеби тақдири ётишига яна бир карра инонтиради, гарчи тармоқланган сюжет чизиқлари масалани чуқурроқ мушоҳада этишга ундаса-да, ўқувчи бунга эмоционал жиҳатдан тайёр бўлмай қолади. Натижада аксарият ўқувчилар учун сюжет воқеалари бирламчи, Зебига бевосита алоқадор бўлмаган ёки фақат билвосита алоқадор бўлган воқеалару тафсилотлар иккиламчи бўлиб қолади. Ҳолбуки, романнинг туб мазмуни ўша «иккиламчи» унсурлар орқалигина очилади.

Моҳият эътибори билан шунга ўхшаш ҳодиса қаҳрамонлар характери талқинида ҳам кўзга ташланади. Роман яратилган давр муҳитида инсоннинг ижтимоий қиммати ҳам, эстетик қиммати ҳам унинг қайси синф вакили эканлиги, янги тузумга муносабати билангина белгиланар эди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда чинакам «совет ёзувчиси» саналиши учун Чўлпон романидаги марказий персонажлардан биронтаси ҳам «ижобий» бўлмаслиги, боз устига, адибнинг уларга салбий муносабатда бўлиши лозим ва лобид эди. Чинакам санъаткор сифатида Чўлпон қаҳрамонларининг инсоний фожиасини фақат уларнинг синфий мансублигидан келиб чиққан ҳолдагина тушуниш ва тушунтириш билан қаноат ҳосил қилолмас, характерлар моҳиятига чуқурроқ киришни истарди. Шу боисдан ҳам адиб қаҳрамонларига нисбатан намоёншкоруна салбий муносабатда бўлди, уларнинг фожиасини, хатти-ҳаракатларининг асосларини очаркан, ўқувчи омманинг аксарияти кутган «синфий» омилларни бўрттирдик, шуларнинг ўзи туб ижтимоий-руҳий омилларни пардалашга хизмат қилди.

Романдаги образлар тизими ҳақида. «Кеча»да инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигининг кенг

эпик манзарасини чизишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Чўлпон турли ижтимоий табақаларга мансуб турфа феълли кишиларнинг бетакрор бадий тимсолларини яратди. Маълумки, асарга киритилаётган ҳар бир образ — хоҳ у асарнинг бошидан охиригача кўз олдимизда бўлсин, хоҳ бир кўринибоқ ғойиб бўлсин — муайян ғоявий-бадий ният ижросига хизмат қилади. Одатда, муаллифнинг асардан кўзлаган яхлит ғоявий-бадий ниятини ифодалашдаги иштирокига кўра персонажларни табақалаштириб келинадики, бу хил амалиёт айримларга ортиқчадай кўринса-да, аслида таҳлилчи изчил амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. «Кеча»нинг сюжет ўқини тутиб турган учта қаҳрамон — Зеби, Акбарали, Мирёқуб — асарнинг бадий структура-сида етакчи ўрин тутадилар. Маълумки, асар бош қаҳрамони масаласида турлича қарашлар мавжуд: баъзи адабиётшунослар Зебини бош қаҳрамон десалар, бошқалари бу ўринга Мирёқубни қўядилар. «Кундуз»нинг йўқолгани эътиборга олинса, бу масаланинг узил-кесил ҳал этилиши мумкин эмас. Шундай бўлса-да, ўз қарашларимизни билдириб ўтишга жазм етамиз.

Роман эпик ҳодиса бўлгани ҳолда, ундаги биз учун энг муҳим жиҳат субъектив ибтидодир (яъни, асарда тасвирланган нарсанинг ўзигина эмас). Зеро, роман ижодкор томонидан кўрилган, идрок этилган ва қайта яратилган борлиқдирки, унда муаллиф ўзи яшаган ёки асарда тасвирланган даврни қандай тушунганию баҳолагани намоён бўлади. Димоқчимизки, романда бизни кўпроқ қизиқтирадиган нарса муаллифнинг яхлит дунё ва давр ҳақидаги қарашларидир. Айни пайтда, ўзининг дунё ва давр ҳақидаги яхлит тушунчасини ифодалаш (шу билан бирга уни ҳосил қилиш ҳам) эҳтиёжи ижодий жараёнга рағбатлантирувчи бош омил ҳамдир. Шунга кўра, бизнингча, муаллифнинг дунёю давр ҳақидаги қарашларини ифодалашда етакчи аҳамият касб этувчи қаҳрамонгина бош қаҳрамон саналиши мумкин. Чўлпоннинг «Кеча»да ифодалаётган қарашлари эса кўп жиҳатдан Мирёқуб образига боғлиқдир. Зеро, айни шу образ воситасида адиб ўзи асосий ҳисоблаган ижтимоий тўқнашувни бадий талқин қилади, миллий буржуазиянинг сиёсий куч сифатида ўз-ўзини таниш жараёнини кўрсатишга эришади. Айтмоқчимизки, Мирёқуб воситасида ифодаланган қарашлар муаллиф қарашларининг асосини ташкил қилади, бошқалари уни тўлдиришга,

эпиқлаштиришга хизмат қилади. Шу маънода, бизнингча, «Кеча»нинг бош қаҳрамони Мирёқубдир.

Мулоҳазаларимиздан шу нарса аён бўлдики, муаллиф қарашларини битта-иккита образ эмас, асарнинг бадий воқелиги — унда яратилган яхлит дунё образи ифодадалар экан. Шунга кўра, асардаги ҳар қайси образнинг бунда муайян роли бор, зеро, дунё образи шу катта-кичик образлар бирликда ҳосил қилаётган бутунлиқдир. «Кеча»даги образлар тизимининг шаклланишини, бизнингча, Қуёш системасига менгзаган ҳолда тушунишимиз қулайроқ. Қуёш системаси марказида Қуёшнинг ўзи туриши ҳамда ўз атрофидаги сайёралару уларнинг теграсидаги йўлдошларнинг жойлашишию ҳаракатини белгилаши сизга маълум. Шунга ўхшаш, «Кеча»даги образлар тизими марказида ҳам ўз қарашларини ифодаламакчи бўлаётган шахс — муаллиф туради. Маълумки, сайёралар Қуёшнинг ва ўзларининг тортиш кучлари нисбатига, катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда Қуёш атрофида жойлашадилар, муайян доирада айланадилар. Бизнингча, «Кеча»нинг етакчи қаҳрамонлари ҳам шунга монанд жойлашадилар: «қуёш»га энг яқин сайёра — Зеби, кейин — Акбарали, кейин — Мирёқуб. Маълумки, катта сайёралар Қуёшдан узоқ жойлашадилар, тортиш кучларининг катталигидан улар тизимдаги бошқа унсурларнинг жойлашишию ҳаракатини белгилашда, тизимнинг мувозанатини сақлашда муҳим аҳамиятга эгадирлар. Шунга ўхшаш, Мирёқуб образи ҳам Акбаралининг ва Зебининг тақдирини белгилашда жиддий ўрин тутадди. Айни пайтда, энг четдаги «орбита»да ҳаракат қилгани учун ҳам образлар тизимининг бутунлигини таъминлашда етакчилик қилади.

Сайёралар теграсида йўлдошлар бўлганидек, «Кеча»нинг етакчи қаҳрамонлари теварагида ҳам «йўлдош» образлар ҳаракатланади. Улар орасида тортиш кучи каттароқлари Қуёшга яқинроқ тургани ва каттароқ доирада айланганидек, «Кеча»даги айрим «йўлдош» образлар ҳам ўз ҳолича муҳим аҳамият касб этадилар. Романдаги бу хил образлар сирасига Раззоқ сўфи, нойиб тўра, Пошшахон ва иложсизлик тўфайли романда тўлақонли характер даражасига кўтарилмаган Ш. Хўжаев кабиларни киритишимиз мумкин.

«Кеча»нинг образлар тизимида етакчи ёки «йўлдош» персонажлар билан боғлиқ ҳолда асар тўқимасига киритилган қатор образлар ҳам борки, улар эпик

кўламини кенгайтириш орқали тўлақонли дунё образини яратишда сезиларли аҳамиятга эгадир. Айтайлик, Акбаралининг инсоний фожиясини, унинг характериға хос қирраларни у яшаётган муҳит ҳақида муайян тасаввурға эга бўлмасдан англашимиз маҳол. Шу маънода кундошлар образлари унинг оиладаги ҳаётидан, Ҳакимжону маҳаллий амалдорлар образлари эса хизмат фаолиятидан хабардор қилади. Ёки романдаги қумариқлик бойлар, фуқаро, руҳонийлар образлари давр ҳаёти ҳақидаги тасаввуримизни сезиларли бойитади. Баъзан эса бу типдаги образлар қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларға туртки бериш (Мирёқубнинг Марямға дуч келиши) ёки бирон фикрда қатъийлашишларига ҳам сабаб бўладиларки, бу билан билвосита сюжет ривожига ҳам таъсир кўрсатадилар. Баъзан эса «йўлдош» персонаж теварагида маъно жиҳатидан бириккан эпизодик образлар бир-бирларини тўлдириб, умумлашма образ яратилиши мумкин. Масалан, суд чиновникларию иштирокчилари нойиб тўра образи асосида мустамлакачиликнинг умумлашма образини юзага келтирадилар. Худди шунга ўхшаш ҳолни Раззоқ сўфи образининг Эшонбобо, Қумариқ ва жомеъ масжидларининг имомлари томонидан тўлдирилишида ҳам кузатишимиз мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз «Кеча»нинг образлар тизими анча мукамал шакллантирилганини кўрсатадики, асарнинг мазмун бойликларини тўла ўзлаштириш учун ундаги ҳеч бир, ҳатто энг кичик образни ҳам назардан қочирмаслигимиз тақозо қилинади. Биз қуйида «Кеча»даги айрим образлар хусусидагина қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мирёқуб образи. Чўлпон Мирёқуб тимсолида асримиз бошида юртимизда қарор топа бошлаган янгича иқтисодий муносабатлар шароитида етишган ишбилармон кишиларға хос хусусиятларни мужассамлаштириб, уларнинг янги сиёсий куч сифатида ўз-ўзини таниш жараёнини тасвирлашға интилган. Қаҳрамони характериға хос хусусиятлар роман воқеалари бошланишидан анча илгари шаклланиши учун ҳам муаллиф таърифида унинг ўтмишиға ҳам назар ташланади. Шу боис ҳам ўқувчи Мирёқуб образи тадрижини 15 йиллар илгаридан бошлаб тасаввур қилиш имконига эга бўлади. Мирёқуб «Фақир одам панада» қабилида иш юритиб ўрганган, у амалдор эмас, шу билан бирға ўзи иш юритаётган

худудни бошқаришда қўли узун: катта-катта олди-сотди ишларини амалга оширади, бунинг натижасини эса «бир худо биладую, худонинг севимли бандаси Мирёқуб билади», холос. Мирёқуб эндигина фаолият бошлаган пайтларда шундай йўл тутишга мажбур эди. Чунки қарор топа бошлаган капиталистик иқтисодий муносабатлар тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очгани ҳолда, мавжуд бюрократик тузум бунга муайян тўсиқларни қўйган. Шу хил шароитда у ҳукмдорлар ҳимоясига муҳтож бўлган ва керакли одамларни қўлга олишга интилан. Мирёқуб нойиб тўранинг эски қўлёзмаларга ўчилигини билиб, шу орқали унинг кўнглини олган; ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган бу «дўстлик» туфайли унинг «бирор жойга бирор чақа солиқ тўлаганини, бирор касбга бирор марта қизил қоғоз (патент) олганини ҳеч ким билмайди». Қўрамизки, нойиб тўрага озроқ миқдордаги совға-салом ёки пул бериш билан у каттагина фойдани ўзига қолдириб келган. Уларнинг дўстлиги 15 йиллардан бери давом қилишини эътиборга олсак, Мирёқубнинг қанчалар катта фойда кўргани равшан бўлади-қолади. Мирёқуб кишилар билан муносабатга киришаркан, аввало, ундан келадиган фойдани — ўз манфаатини кўзлайди. Шу боис ҳам Акбаралидаги поэтик жиҳатларни дарров фаҳмлаб олади: кейинча бузоқдек етаклаб, сигирдай соғса бўладиган одамлигини илғайди-да, нойиб тўра билан ошналигидан фойдаланиб уни мингбоши қилиб қўяди. Энди шу икки амалдор ҳимоятида Мирёқуб ишини ўзи хоҳлаганича юритаверади.

Ёзувчи берган таърифда Мирёқубнинг чинакам буржуа ишбилармонига хос хусусиятлари бўртиб кўринади: у — уддабурон одам, замона зайлини, мавжуд шароитда қандай ҳаракат қилинса яхши натижа чиқишини яхши билади; у «керакли одам»лар билан тез битишади, оз сарф билан кўп фойда олишга интилади, бошлаётган ишининг оқибатини пухта ўйлайди — натижани олдиндан кўришга ҳаракат қилади. Унинг темир йўл бўйидаги ерларни сотиб олиш билан боғлиқ ишига нойиб тўранинг ўзи ҳам ҳайрон қоладики, бу ҳам фикримизнинг далилидир. Ўзидаги шу хусусиятлар туфайли Мирёқуб ўтган 15 йил мобайнида анча катта сармоядорга айланган: қўша-қўша дўконлари, чойхоналари, шериклик асосида эгалик қилаётган заводи, банкда ўзининг ҳиссаси бор. Қўрамизки, Мирёқубнинг ижтимоий мавқеи анча ортган, бунинг устига ўтган ўн беш йил мо-

байнида янгича иқтисодий шароит тўла қарор топган, демак, энди у Акбаралию нойиб тўра ҳимоятига увчаллик муҳтож эмас. Табиийки, ҳимоятга муҳтожликнинг йўқолиши билан уларга, хусусан, Акбаралига муносабати ҳам ўзгаради. Роман бошланган пайтда энди бу икки қадрдоннинг муносабати фақат сиртдангина олдингидек холос: Мирёқуб фақат «мерос умиди»дагина Акбаралига ҳамон яхши муомала қилиб келади, аслида эса ундан жирканади. Модомики, ўзини атрофдагилар билан қиёслаб бошлабдими, демак, Мирёқуб ўзининг кимлиги ҳаётдаги ўрнини билишга интилмоқда. У ўзини Акбаралилар доирасидаги одам эмаслигини билади, нойиб тўралар доирасига эса киролмайди, чунки «чакки шу сартия орасида туғилган». Мирёқуб шу пайтгача фақат пул топишгагина андармон бўлиб яшаган, атрофида юз бераётган ҳодисаларга қизиқмаган, шу боис ҳам ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар моҳиятини англамайди. Нойиб тўранинг ташвишларини жиддий қабул қилмаслиги, ундаги тушкунликни ичкилик таъсирига йўйиши ҳам шундан. Бироқ, Зуннун билан суҳбатлашган, Мирёқуб бу хил кайфият фақат нойиб тўранинг ўзигагина эмас, балки чор чиновникларининг барига хос бўлиб қолганини эшитади. Айни шу ўринда у масалага айрича диққат қила бошлайди. Зеро, зарурият энди уни ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақида ҳам ўйлашга мажбур қилади. Мирёқубнинг нойиб тўра хонадонидagi ифлосликларга гувоҳ бўлиши унинг кўзини очади: Акбаралию нойиб тўраларнинг бир доира кишиси эканлигини англайди. Мирёқуб шу пайтгача топинган куч нуради, энди хотиржам ўз иши билан шуғулланиши учун бошқа бир кучга таяниши, улар билан бақамти туриши лозимлигини ғайришуурий равишда ҳис этади.

Мирёқубнинг дилида «мовий кўз» дилбар — Марямга нисбатан чинакам муҳаббатнинг пайдо бўлиши унинг руҳиятидаги зиддиятларни янада кучайтириб юборади. Қаҳрамон онгида кўзгалган «терговчи» ва «оқловчи» кураши асосида шафқатсиз ўз-ўзини тафтиш этиш жараёни бошланади. Илгари ўзини атрофидагиларга қиёслаб, улардан яхшироқман-ку, деган ўй билан ўзини овутиб юрган Мирёқуб энди ортиқ ўзини алдашга ярамай қолади. Энди у ўзининг кўп жиҳатдан Акбаралидан-да тубанлигини, қилаётган ишларию бунгача кечирган ҳаёти пасткашликдан ўзга нарса эмаслигини виждони олдидан тан олишга мажбур бўлади. Мана шу аччиқ ҳақи-

қатғи бўйнига олгани ҳолда ўтмиши билан яшаши қийин, шу боис ҳам ўзидан, қилган гуноҳларидан қочиб Қрим сафарига отланади.

Мирёқуб сафарга чиқиш олдида ҳаётини ўзгачароқ асосга қуриши лозимлигини биларди, ўзи топинган кучининг нураганига амин бўлган эди, бироқ энди қандай яшашию қайси кучга суяниши лозимлигини билмасди. Айни шу хил маънавий изланиш жараёнини бошидан кечираётган пайтда у жадид савдогар Шарафутдин Хўжаев билан учрашади. Мирёқуб айни пайтда ўзини қийнаётган саволларга, ўзи илгари англамаган, англаш заруратини ҳис қилмаган муаммоларга жадид савдогар билан мулоқоти давомида жавоб топгандек бўлади. Жадидларнинг қарашларида ўзини қониқтирмаган нуқталарни кўрмагач, у аввалига «жадид шу бўлса нега мен жадид эмасман» дея шошилади. Кейин у айтган гапларни «эс тарозисига солиб» кўра бошлайди. Мирёқуб ўзи учун хулоса чиқаради: «Илгари тинчгина пул топишни билардим. Ота-боболаримиз юрган йўлдан юра берардим. Энди аллаким чиқиб, «ота-боболарнинг юрган йўли эгри, тўғри йўл бу ёқда!» дейди. Одам ишонадиган қилиб айтади. Шу икки йўлдан бирини танлаб олишим керак. Бирданига икки йўлдан юриб бўлмайди». Қаҳрамоннинг бу гаплари энди унинг пул топишгагина андармон бўлиб қолмаслигига, атрофида содир бўлаётган ҳодисаларга фаол муносабатда бўлишига ишонттиради. Модомики, Мирёқуб онгли равишда муайян ижтимоий мавқени эгаллашга ҳаракат қилмоқдами, демак, унинг ижтимоий шахс сифатида шаклланиш жараёни бошланди. Қаҳрамон ўзининг ижтимоий мақомини, унинг жадидлар мақомига мослигини англаш арафасида, шу боис ҳам: «Жадидчилар тўғрисида гумонларим йўқ эмас. Лекин кўнглим ўша томон мойил бўлиб қолди... жадидларнинг деганларини бошқаларнинг деганларидан кўра осонроқ ва тезроқ англайман»,— дейди. Юқорида юритган мулоҳазаларимиз Мирёқубнинг жадидчилик ҳаракатига қўшилиши муқаррар эканини, бу нарса унинг учун заруратлигини кўрсатади. «Кеча» ниҳоясидаги Мирёқуб — ижтимоий ҳаракат бўсағасидаги одам. Унинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Афсуски, «Қундуз»нинг йўқолиши буни фақат тахмин қилиш имконини қолдирди, холос. Тахминимизча, Туркистон ижтимоий-тарихий тараққиётининг табиий оқимини

бузган инқилоб ва ундан кейинги дастлабки суронли йиллар зиддиятларини Чўлпон «Кундуз»да марказий ўрин эгалловчи Мирёқуб руҳиясидаги зиддиятлар орқали очиб беришни режалаштирган, шу боис ҳам қаҳрамонини мазкур ролга обдан тайёрлаган.

Акбарали мингбоши образи. «Акбарали мингбошининг белида кумуш камари, ёнида кумуш сопли қиличи, устида зарбоф чопони бўлмаса, ҳеч ким уни амалдор демайди»— Чўлпон қаҳрамонига бераётган таърифнинг илк сўзлариданоқ унинг эгаллаб турган мавқеига нолойқлигию ундан «мингбоши ясалгани» яққол кўзга ташланади. Адиб бу образ воситасида феодализмнинг чириб битганини, Туркистон шароитида унинг ҳеч бир истиқболга эга бўлмай қолганини кўрсатишни ният қилган. Эҳтимол, шунинг учундир, Акбаралида киши хаёлига бирдан келиши мумкин бўлган барча салбий хусусиятлар мужассам: у— саводсиз, жоҳил, қўпол, манфаатпараст, мутакаббир, фосиқ... Бироқ Чўлпон санъаткор эди, баски, юқоридагича мақсаднинг ўзи билан кифоялана олмасди. Унинг нияти Акбаралини қоралашгина эмас, қора бўёқларнинг бунчалар қуюқ бўлишида замонанинг таъсири борлигини кўрсатиш эди. Албатта, адиб Акбаралига ўхшаган кишилардан нафратланади, айни пайтда уларнинг инсон сифатидаги фожиасини англашга, акбаралиларни юзага келтирган омилларни очишга интилади.

Романда Акбаралини мингбошилиқ маснадига кўтарган Мирёқуб эканлиги таъкидланади. Бироқ, шуниси равшанки, Акбарали чор ҳукуматига қўл келадиган одам бўлмаганида, ҳатто Мирёқуб ҳам бирор нш чиқариши мушкул эди. Зеро, Акбаралига ўхшаш саводсиз, дунёда не сир-синоатлар кечаётганини англашдан ожиз, мустақил фикрлаш ва нш юритиш салоҳиятидан мутлақо маҳрум, ўзининг манфаати шахсиясидан бошқани ўйламайдиган одам — чор ҳукумати учун амалдорликка энг маъқул номзод эди. Чунки акбаралилар қўли билан қабиҳ ниятларини амалга ошириш осонроқ кечади, керак бўлмай қолганларида эса уларни «гуноҳлари» учун амалидан бекор қилишу эл кўзида яна «оппоқ» бўлиб олиш ҳеч гап эмас: бошқа яна бирига зарбоф чопон кийдирилиб, белига кумуш камар боғланса-ю кумуш сопли қилич осилса бас — янги мингбоши тайёр, Чўлпон талқинидаги Акбарали — чоризмнинг айни шу хил сиёсати қурбони, шу боис ҳам адиб унга бир инсон сифати-

да ачинади. Бироқ бу хил сиёсатга ҳар ким ҳам қурбон бўлиб кетавермайди, бунинг учун бўлғувси қурбоннинг ўзида шунга мойиллик, қурбонликка етакловчи омиллар бўлмоғи лозим. Хуш, Чўлпон Акбаралини фожиага олиб келган ички омилларни нималарда кўради? Акбарали учун амал — бойлик орттириш манбаи. Бироқ, роман воқеалари бошланган вақтда шундай кўринади, Акбарали учун бойлик асосий эмасдек, йўқса, бор мол-мулкни Мирёқуб қўлига топшириб қўярмиди?! Эътибор берилса, Акбарали табиатида ўзига, ўз имкониятларига орттириб баҳо бериш хусусияти яққол кўринадилки, бу нарсани унинг дилию онгини эгаллаган кибрдан ҳаволанади. У ўзини атрофдагилардан юқорироқ қўйишни, ўзгаларга ҳукмфармолик қилишни хуш кўради. Кибрнинг зўрлигидан у ўта иззатталаб, ўзига қарши ҳар қандай ҳаракатни ғайритабиий деб билади. Амал — унинг учун кибрни қониқтириш воситасига айланиб қолганки, у ўз ҳаётини амалсиз тасаввур қилолмайди. Кибрнинг кучи билан у ўзи эгаллаган мавқега ортиқча баҳо беради, гўё ўзини чархни айлантириб турганлардан биридек ҳис этади.

Акбарали оилавий ҳаётда ҳам бахтсиздирки, бу бахтсизлик ҳам юқори мавқега интилиш натижасида юзага келган. Хадичахоннинг: «Менинг ҳеч бир нолийдиган жойим йўқ эди. Толеимдан хафа эмасдим. Бунингиз амалдор бўлганидан кейин айниди. Мингбошилик ёмон ҳовлиқтирди», — дейишидан шу нарсани англашилади. Юқори мартабаларга интилиб, Акбарали оиласини буткул унутган кўринадилки, ўртада меҳр-оқибат кўтарилган. Мингбошилик мартабасига етиб, бундан ортиқ кўтарилма олмаслигини англагач, у ўз атрофида меҳр-оқибат бўшлиғи борлигини, атрофидагиларнинг бирортаси ҳам ўзига нисбатан чинакам инсоний муносабатда эмаслигини ҳис қилади. Бир томони фарзанд умиди, ундан ҳам муҳими меҳрга ташналигини қондириш учун қайта-қайта уйланади. Бироқ, унинг қалби дағаллашиб бўлган, меҳрга ташна бўлган ҳолда ўзгага меҳр беришдан ожиз бўлиб қолган эди. Шу боис ҳам у хотинларининг бирортаси билан ҳам бахтли бўлолмайди.

Акбаралининг ўз мавқеига реал баҳо бериши, ўзининг амалию чор ҳукумати олдида сариқ чақалик ҳам қадри йўқлигини англаши Мирёқуб сафарга кетгач бошланади. Акбарали, албатта, аввало ўзини ўйлаб, Қумариқда адолатли иш қилди, бундан ҳаётида илк бор қониқиб туй-

ди. Бироқ, шу биринчи ва ягона мустақил ҳаракатиёқ унга бағоят қимматга тушди. Амалидан айрилишининг ўзининг учун ўлимдек гап эди, тасодифий ўлим эса унинг ҳаётига мантиқий нуқта қўйди, холос.

Демак, адибнинг Акбаралига муносабатида юқорида кўрганимиздек зиддиятли томонлар борки, у ҳақда фикр юритганда бунинг назарда тутишимиз лозим. Зеро, роман марказида мустамлакачилик сиёсатининг халқимиз маънавиятига етказган оғир асоратларини очиш мақсади турадики, Акбарали қўлида мустамлакачи қамчисини ўйнатгани ҳолда, ўзи ҳам уларнинг қурбони бўлади.

Зеби образи. «Кеча»нинг энг дилбар қаҳрамони — Зеби ҳақида Чўлпон ажиб бир меҳр билан сўз юритадики, бу меҳр беихтиёр ўқувчига ҳам ўтади—Зебининг азиз кишисига айланиб қолади. Табиийки, бу нарса характер моҳиятини англашга ҳалақит бериши, ўқувчи муносабатининг кўпроқ меҳр ва ачиниш, яъни ҳиссий мушоҳада доирасида қолиб кетиши эҳтимоли ортади. Ҳолбуки, ажабтовур меҳри билан Зебини ўқувчи наздида юксакларга чиқариб қўйган Чўлпон уни сездирмайгина пастга туширган-да, бошқалар орасига сингдириб юборган.

Зеби мустақил ҳаракат қилишдан буткул маҳрум қилинган: ҳатто тақдири ҳал этилаётган онларда ҳам аралашини ҳаёлига келтирмайди, йиғлаб-сиқташдан нарига ўтолмайди. Унинг мингбошига узатилгач «тутқаноқ» дардига мубтало бўлиши ҳам норозиликдан туғилган исён эмас, муҳитни норизо қилмаган ҳолда мингбошидан қутулиш илинжидаги ожиз бир уриниш, холос. Муҳими, ота-онасини ўйлаб, муҳит таъсирига бўйин эгиб мингбошига таслим бўлгач, у янги ҳаётга қўнишга чоғланади, ўзини овутишга интилади: «Ўв, қиз боланинг пешонаси қурсин! Ўзи хоҳлаб эрга тегармиди? Мени отам шу қари одамга берди деб койийман: мунга бермаса кимга берариди? Ўзим суйган йигитга берармиди? Тантилиги тутиб кетса Эшонбобога бериб юборарди... У мундан бешбаттар!» Зеби тақдирига тан берган, энди орзу-армонларини унутишга интилиб, ўзини батамом янги ҳаёт завқига берганки, бунинг Пошшахоннинг аламли ва ҳасадли ўйларидан англашимиз қийин эмас. Кўрамизки, Зеби тобора кундошлар орасига сингиб, улардан бирига айланиб боради. Тасаввур қилинг: мингбоши ўлмаганида нима бўларди? Ўлимидан олдиноқ мингбоши «кенжа»сига нисбатан совий бошлаган эди. Аро йўлда қолгач, Зеби ҳам Султонхону Пошшахонлар йўлидан бормасди, деб ким

кафолат бера олади? Зотан, Султонхону Пошшахонлар ҳам бир пайтлар Зебидай бокираю бегубор бўлганларини инкор этиш мушкул. Қўринадики, Чўлпон талқинида муҳитнинг емирувчи кучи Зебининг туғма фазилатларидан ҳам кучлироқ келиши, унинг ҳам маънавий таназзул томон юз тутиши эҳтимоли мавжуд эди.

Зебининг судда ўзини тутишидаги болаларча соддалик, ўзининг гуноҳсизлиги важидан албатта озод этилажасига комил ишонч ва, иккинчи томондан, «жиддият» билан шу муштдеккина нарсанинг улкан империяга солаётган хавфи ҳақида ваъз қилаётган прокурор ва унга «жиддият» билан қулоқ тутган мажлис иштирокчилари — бу саҳналар мустамлака сиёсатигагина эмас, айни пайтда асар ёзилган даврга ҳам чизилган сиёсий баҳодир. Чўлпон ижодиётида «Ҳужум»дан анча илгари қўйилган аёллар ҳуқуқи масаласи бу ўринда бекиёс кенгайдир — умуман инсон эрки масаласига айланиб кетади. Ун беш йиллар илгари «кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!» дея ҳайқирган Чўлпон мутеликни ҳаёт дастурига айлантирган инсон фожиасини романнинг кўп қақрамонларида, айниқса, Зеби тимсолида ёрқин ифода-лаб берди.

Раззоқ сўфи образи. Чўлпон Раззоқ сўфи тимсолида эътиқодининг моҳиятига кўпда етмасдан, фақат «омин» деб туришгагина яраган, бу билан бидъату хурофотга йўл очиб берган оми халқ фожиасини мужассам этади. Раззоқ сўфига нафратини яширмагани ҳолда, адиб меҳнаткаш бир одамнинг текинхўр кимсаю мунофиқ диндорга айлантирган имжтимоий-руҳий омилларни очиб беришга интилади.

Сўфи бундан анча йиллар илгари акаси билан ер таллашиб шаҳарга — қайнотасидан қолган ерга келиб қолган, ҳунари йўқлигидан Эшонбобога мурид бўлиб, шунинг орқасидан тирикчилик ўтказиб келади. Чўлпон қаҳрамони ўтмишдан мазкур тафсилотни бежиз келтирган эмас, албатта. Дейлик, сўфининг оиласи билан совуқ муносабатини «бу оғиз фақат худонинг зикрига очилади» қабилидаги даъво билан асосламоқчи бўлади. Бироқ, Чўлпон зийрак ўқувчи туб сабабларни шу ишора воситасида англаб олишига умид қилади. Гап шундаки, «ичкуёв» ҳолатида яшаган сўфи «хотин отасидан қолган ерни пеш қилиб бошимга чиқиб олмасин» деган ўйда бошдапоқ Қурвонбидини тупроққа тенг тутган, у билан очилиб сўзлашишдан қочган—сир бериб қўйишдан чўчиган, ум-

рини Эшонбобонинг хонақосида ўтказган. Ёки унинг танбаллигини олайлик. Сўфи шаҳарга келганда ҳунармандларнинг бозори фабрика-завод маҳсулотлари рақобати-га дош беролмаганидан анча касод ҳолга келган эди. Шундай шароитда у Эшонбобога мурид бўлиб тиривчилик ўтказиб юрдик, оқибат ишламай тишлашга ўрганиб қолди.

Раззоқ сўфининг ўзи англамаган эътиқоди анча пуч нарса. У эътиқодини ўзига мослаштириб олган, ислом унинг учун яшаш дастури эмас, тирикчилик асоси бўлиб қолган, холос. Ўзи оми бўлгани учун у ислом аҳкомларини мустақил ўқиб-ўрганиш имконига эга эмас, Эшонбобонинг гапи унинг учун қонун. Зебини мингбошига «бенамоз, бетавфиқ»лиги учун бермаган сўфи пирининг ўзини қўллашидан умидвор эди. Лекин аксинча бўлиб чиққанида, Эшонбобо шариат қондаларини «қизингни Акбаралига бер» қабилда талқин қилиб берганида, у иложсиз қолади. Эътибор берилса, қизининг аҳволини кўриб унинг ҳам ачинаётгани сезилади. Лекин у мутлақо шаръий иш қиляяпман деб қаттиқ ишонади, бунинг орқасидан келадиган давлатни Оллоҳнинг марҳамати сифатида қабул қилади. Сўфининг Эшонбобога мутелиги шунчаларки, ўзи Оллоҳга эътиқод қиламан дегани билан, билиб ё билмай пирига сиғинади — унинг этагини тутганича Сиротдан ўтиб кетишни умид қилади.

Раззоқ сўфини қизининг тўйи арафасидаги ҳолатига бефарқ қарайди, дейиш қийин. Унинг хотинига: «Мен оми бўлсам, саводим бўлмаса, оқ-қорани танимасам, у киши мулла бўлса, худонинг буйруғини тушунса, шариатни, тариқатни сувдай билса... нима дейман?» — дейишидан унга ҳам осон эмаслигини, қизига жабр қилаётганию мингбоши унинг тенги эмаслигини яхши билиши англашилади, бироқ Эшонбобонинг бир оғиз гапи Зебининг тақдирини ҳал қилиб бўлган. Сўфининг Зеби келин бўлиб тушгандан кейин унинг олдида шаҳардан пиёда бориши, «оппоқ соқоли билан кўз ёшларини оқизиб, йиғлаши», «қизим, мени мунақа шарманда қиладиган бўлсанг, илоҳим бўйнинг тагингда қолсин, муродингга етмагин...» дея қарғашлари унинг вужудида «мутаассиб диндор» билан «ота» курашаётганини, қаҳрамоннинг онгида кечиб, уни муқаррар ҳалокатга олиб келадиган ечими йўқ конфликт — фожиали ҳолат юзага келганини кўрсатади.

Фарзандини тириклай йўқотган сўфи вужудидаги «ота» уни қутқаришга ундайди. Бунинг учун пул керак.

Сўфи Эшонбободан мадад кутганида пирининг бефарқлиги уни адои тамом қилади. Раззоқ сўфи воқеани хотинига ётиги билан айтганида, унинг кўзларида телбаланиш аломатларини кўради — ёруғ дунёда ёлғиз ўзи сўпнайиб қолаётганини англайди, вужудидаги «ота» энди мутлақ ғолиб келади. Сўфи Эшонбобонинг ҳам жонига, ҳам молига қасд қиладики, пулини олиб қизини қутқармоқчи бўлган бўлса эҳтимол.

Чўлпон мутеликнинг ҳар қандай кўринишини, жумладан, эътиқод масаласидаги мутеликни ҳам кескин қоралайди. Зеро, шу хил мутелик роман воқелигида бутун бошли бир оиланинг фожиасини келтириб чиқаради — Зебини Сибир сургунига жўнатади, Раззоқ сўфини қотилга айлантиради, бечора Қурвонбибини эсдан маҳрум этади. Ўзи эътиқод қилган нарсани дуруст англамаслик эса, айтиш керакки, 30-йилларда жамиятимизда одат тусига кирган эди. Юртимизда марксизмга эътиқод қилганлари ҳолда ундан деярли беҳабар, фақат қўл кўтариб маъқуллашгагина ярайдиган бутун бошли омма шаклланаётган эдики, улар ҳам билиб-билмай ўзларининг «эшонбоболарига» эътиқод қилаётгандилар, асли. Бу иллатнинг юртимизга нечоғли қимматга тушганини ҳозирда яхши биламиз, албатта. Чўлпоннинг безовта қалби эса эндигина куртак ҳолида бўлган бу иллатнинг бутун даҳшатини олдиндан кўра билганки, асарда айни шу масала айрича бўрттирилгандир.

«Кеча»нинг романчилигимизда тутган ўрни ҳақида. Чўлпон «Кеча ва кундуз» дилогиясида миллий тарихимизнинг энг зиддиятли даврларидан бири бўлмиш инқилоб арафаси ва ундан кейинги суронли йилларнинг йирик эпик манзарасини яратишга жазм қилган эди. Чўлпоннинг адабиётимизда биринчи бўлиб бу ижодий эҳтиёжни ҳис этишию тарихимизнинг бағоят зиддиятли даврини бадий акслантиришга жазм этиши том маънодаги ижодий ва давр шароитини эътиборга олсак, жасорат эди. Чўлпон «Кеча ва кундуз»га қўл урган пайтда миллий романчилигимиз ҳали бу қадар улкан ижодий ниятни амалга ошириш учун етарли тажрибага эга эмас эди. Ўз-ўзидан равшанки, бу нарса адиб зиммасига машаққатли ижодий масалаларни ҳал қилиш вазифасини қўйиши табиий. Чўлпон рус ва европа романчилиги тажрибаларини қунт билан ўзлаштириши, миллий адабиётимизда романнинг кўп жиҳатлари билан эпопеяга яқинлашадиган шаклини қарор топтириши зарур эди.

Афсуски, дилогиянинг иккинчи қисми йўқолгани адибнинг ижодий изланишлари қандай натижа бергани ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишимизга имкон бермайди. Бироқ «Кеча»нинг ўзидаёқ бу изланишларнинг анча самарали бўлаётганига далолат қилувчи қатор жиҳатлар кузатилади. Аввало, шуни айтиш керакки, Чўлпон инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини унинг қаҳрамонлар руҳиятида қолдирган излари орқали очишга интилди. Яъни, ёзувчининг кўзлаган ғоявий-бадий нияти ижтимоий ва психологик таҳлилларни уйғунлаштириш ҳисобига амалга ошиши лозим эди. Бошқача айтсак, «Кеча» ўзбек насридаги ilk ижтимоий-психологик роман сифатида дунёга келган. Жанр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда адиб бадий тасвири бадий таҳлил хизматига қўя билди. Романда психологик таҳлилнинг адабиётимиз учун янги бўлган турли усуллари (айниқса, Мирёқуб образи талқинида) унумли фойдаланилди. «Кеча»нинг композицион қурилишида ҳам адабиётимиз учун янги усуллар қўллаб кўрилди. Хусусан, бадий вақт билан боғлиқ ўзгаришларни айтиш лозимки, улар асар қисмларининг жойлаштирилишига жиддий таъсир кўрсатди. Чўлпон бир пайтнинг ўзида турли жойларда юз бераётган воқеаларни тасвирлашга дадил қўл урдики, натижада романда концентрик сюжет хусусиятларининг салмоғи анча ортди, қисмларни монтаж усулидаги боғланишлари тажриба қилиб кўрилди. Хуллас, янгиликка ўч адибнинг бу романи миллий романчилигимиз ривожига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асар эди. Афсуски, роман бир йил ўтмаёқ тақибқа учрагани, иккинчи қисмининг иссиз йўқолгани сабаб адабиётимиздаги бўлиши мумкин бўлган таъсири ўз вақтида кузатилмади. Эндиликда ҳам ундан ўрганиш мумкин бўлган кўп ўринлари мавжудки, бу асар ёш адиблар учун ўзига хос тажриба мактаби бўла олади. Айтмоқчимизки, Чўлпоннинг романчилик бобидаги ижодий тажрибаларини ниҳоясига етказиш ва у кутган даражадан да ўтказиш ёш адибларимизнинг бўйнидаги қарзидир.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

К и т о б л а р

1. *Каримов Наим*. Чўлпон. Тошкент, «Фан», 1991.

Рисола икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчисида Чўлпон ҳаёти ҳақида ҳужжатлар ва замондошлари хотираларига таянган ҳолда ҳикоя қилинса, иккинчисида адабий мероси ҳақида сўз юритилади.

2. *Лутфиддинова Хадича*. Зеби, Зебона («Кеча ва кундуз». Чўлпонни ўқиб...). Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

Рисолада Зеби образи ҳақида атрофлича фикр юритилади, қизнинг феъл-атворию ёзувчининг маҳорати романи саҳифама-саҳифа ўқиш давомида очилиб боради.

3. *Шарафиддинов Озод*. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1991.

Рисолада Чўлпон ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади, унинг шеърият, наср, драматургия, таржима ва танқид соҳасидаги фаолияти ҳақида махсус бобларда фикр юритилади.

4. *Шарафиддинов Озод*. Чўлпонни англаш. Тошкент, «Ёзувчи», 1994.

Рисолада адабий танқидчиликнинг Чўлпон ижодига муносабати даврлар бўйича таҳлил этилади, адиб меросининг қайтарилиш даврига оид тафсилотлар келтирилади.

5. Чўлпоннинг бадий олами. Тошкент, «Фан», 1994.

Ушбу тадқиқотлар тўпламига *Н. Каримов, Н. Владимирова, С. Мамажонов, Ш. Турдиев* каби адабиётшунос олимларнинг Чўлпон шеърияти, насрий асарлари, драматургияси таҳлилига, бошқа адабиётлар ва адиблар билан алоқасини ёритишга бағишланган мақолалари киритилган.

6. Қуронов Дилмурод. Руҳий дунё таҳлили («Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми). Тошкент, «Хазина», 1995.

«Кеча» да яратилган характерлар руҳияси, уларни яратишдаги адибнинг маҳорати, ишлатган усул ва воситалари ҳақида фикр юритилади.

ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ

1. Акрамов Ботирхон. Чўлпон чиндан мураккабми? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 13 июль.

2. Акрамов Ботирхон. Хурликнинг мужассам тимсоли. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1995, 1 сентябрь.

3. Владимирова Нинель. Миллий турмушнинг гўзал лавҳалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 31 январь.

4. Владимирова Нинель. Клеопатра Чўлпон талқинида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1992, № 2.

5. Владимирова Нинель. Чўлпон — ҳикоянавис. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1992, № 34.

6. Дўстқораев Бойбўта. Бир мунозара тарихидан. «Шарқ юлдузи», 1989, № 6.

7. Мамажонов Салоҳиддин. Чўлпоннинг насрий ижоди. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1991, № 6.

8. Маҳмудов Т., Зайниддинова Д. Чўлпон — романтик шоир. «Санъат», 1991, № 10, 11, 12.

9. Қаримов Наим. Шекспир ва Чўлпон. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 24 июль.

10. Қаримов Наим. «Кеча»нинг «Кундуз»и борми?—«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1994, 28 октябрь.

11. Қаримов Наим. «Тонг юлдузи»—«Тошкент оқшоми», 1997, 17 март.

12. Отаев Раҳимжон. Тонг юлдузи шуълалари. «Шарқ юлдузи», 1989, № 1.

13. Турдиев Шерали. Тонг юлдузи қисмати. «Ешлик», 1991, № 3.

14. Шарафиддинов Озод. Кеча ва кундуз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 16 февраль.

15. Шарафиддинов Озод. Чўлпон — таржимон. «Гулистон», 1990, № 2.

16. Эшонава Замира. Ҳақ йўли албатта бир ўтилғуси. «Ешлик», 1991, № 3.

17. Қаршибоев Муртазо. Чўлпоннинг «жиноий» иши. «Санъат», 1990, № 8.

18. Қаршибоев Муртазо. Муҳит эркидаги тутқунлик. «Шарқ юлдузи», 1990, № 10.

19. Қуронов Дилмурод. Томчида қуёш акси. «Шарқ юлдузи», 1991, № 12.

20. Қуронов Дилмурод. Икки роман — икки талқин. «Ешлик», 1991, № 6.

21. Қуронов Дилмурод. Зеби, Зеби, Зебона... «Гулистон», 1991,

22. Ҳаққулов Иброҳим. Истиқлол ишқи ва шахс қисмати. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1995, № 3.

23. Ҳаққулов Иброҳим. Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1992, № 3—4.

М У Н Д А Р И Ж А

Чулпоннинг ҳаёт йўли	3
Чулпон шеърияти ҳақида қайдлар	27
«Кеча ва кундуз» ҳақида	51
Адабиётлар рўйхати	75

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД

**ЧУЛПОН ҲАЁТИ
ВА
ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири *Х. Ҳайитметов*
Муҳаррир *Д. Насриддинова*

Бадий муҳаррир *Ш. Мирфаёзов*
Мусаввир *Э. Нурмонов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова*

ИБ № 7435

Теришга берилди 30. 04. 97. Босишга рухсат этилди. 20. 08. 97.
Бичими 84×108¹/₃₂. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз.
Юқори босма усулида босилди. Шартли 6. т. 4,2. Шартли
кр.-отт. 4,62. Нашр. т. 3,54. 3000 нусхада босилди. Буюртма
№ 62.

«Ўқитувчи» нашрийети. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 13—28—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ян-
гийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кў-
часи, 44. 1997.